

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

АШУРОВА НАРГИЗА АЪЗАМОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚ ВА
МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МУАММОЛАРИ**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2008

Тошкент давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг 2008 йил 22 апрель кундаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

Ашурова Н.А.

Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 142 бет.

Масъул муҳаррир: И.Б.Зокиров – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Тақризчилар: Д.М. Караходжаева – ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Г.Иномжонов – юридик фанлар номзоди, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Мазкур ўқув қўлланмада вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги тушунчаси ҳамда фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг мазмуни, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Фуқаролик ҳуқуқида вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг умумий тавсифини таҳлил қилиш, илмий назарий жиҳатдан асослаш, вояга етмаганлар иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар, тавсиялар билдирилган.

Қўлланма илм ва амалиёт ходимлари, васийлик ва ҳомийлик органлари ходимлари, талабалар, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан кейин мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кескин ижобий сифат ўзгаришларига эришиш учун иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишларда бошланган улкан ишларни давом эттириш, Янги поғонага кўтаришда ёшларнинг ушбу жараёндаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун даврнинг ўзи олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “...фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиш учун майдонни кенгайтириш керак”лигини алоҳида таъкидлаганлар¹.

Дарҳақиқат жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишнинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий ва амалий тадқиқ этиш талаб этилаётган ҳозирги вақтда ёшларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштироки масалаларини тадқиқ этувчи илмий тадқиқот ишларини кучайтириш давр талабига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, деб белгиланиши, бу борадаги давлат ҳимоясининг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ва жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришлар вояга етмаган шахсларга оид ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини жадаллаштиришга олиб келди. Ушбу муносабатларни тартибга солиш вазифасига эга бўлган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган қонуннинг² мантикий давоми сифатида 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди³.

¹ Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқ сўзи. 2007 йил, 8 декабрь, 2-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси 1992 йил, №2, 80-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, №1-2, 1-модда.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини ташкил этади¹.

Ушбу ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва Ҳукуматнинг махсус дастурлари қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Биргина 2007 йилнинг ўзида ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан қабул қилинган махсус дастурни амалга ошириш жараёнида вояга етмаганлар билан боғлиқ бир қатор норматив ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 158-сонли қарори⁴, “16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом⁵, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарори⁶ ва бошқалар) қабул қилинди.

Биз авваломбор, ўсаётган фарзандларимиз, мана шу вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак⁷. Вояга етмаганлар манфаатлари муҳофазасини самарали ташкил этишда ҳуқуқий тарбия ва оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мустаҳкам оила фуқаролик-ҳуқуқий жамиятнинг энг муҳим негизларидан бири бўлиб, вояга етмаганлар шахс сифатида камол топадиган ижтимоий муҳитдир. Бу йўналишдаги барча алоқадор соҳа мутахассислари – пе-

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. //Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 50-51-сон, 515-модда.

³ Ўша манба. 48-49-сон, 485-модда.

⁴ Ўша манба. 31-32-сон, 318-модда.

⁵ Ўша манба. 25-26-сон, 277-модда.

⁶ Ўша манба. 4-6-сон, 44-модда.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

даглоглар, врачлар, социологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар фаолиятини шу мақсад сари бирлаштириш давр талабидир.

Мазкур қўлланмадан кўзланган мақсад бозор муносабатлари шароитида вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокининг ўзига хос жиҳатларини, болаларни ҳимоялашда уларнинг ота-оналарини назорат қилиш, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини очиқ бериш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқи ва муомала лаёқати билан боғлиқ муаммоларни Республикамизда амалда бўлган қонун ҳужжатларига асосланиб тадқиқ этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳ бериш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб бериш даражасини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

1. Вояга етмаганлар тушунчаси ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий субъектлилиги (биологик-жисмоний, юридик ва психологик мезонлар)

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий нормалар билан тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари ўртасида юз беради. Бу иштирокчилар муносабатга индивидуал ёки гуруҳ бўлиб киришишлари мумкин. Ҳуқуқий муносабат авваламбор, инсонлар (инсонлар жамоаси) ўртасидаги алоқа, боғланиш, муносабатдир ва ҳуқуқий муносабат субъекти деганда ҳуқуқий нормалар туфайли муайян муносабатлар иштирокчиси ҳамда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлган инсонлар ёки ташкилотлар тушунилади¹.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат бўлиши таъкидланади². А.Н.Гуевнинг фикрича эса, фуқаролик ҳуқуқи субъекти юридик шахслар ва фуқаролар ҳисобланади³. Лекин муаллиф муносабатда тенг равишда иштирокчи сифатида майдонга чиқувчи давлатни субъект сифатида эътироф этмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий норма фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг барча субъектларига бирдай қўлланган ҳолларда «субъектлар» атамаси ўрнига «шахслар» атамаси қўлланилади⁴. Лекин барча инсонларга ҳам «шахс» иборасини қўллаб бўлмайди. «Шахс» тушунчаси «инсон» тушунчасига қараганда кенг маънога эга. Зеро, шахс тушунчаси нафақат жисмоний шахсларни, балки юридик шахсларни ҳам ўз ичига олади. Юридик адабиётларда таъкидланганидек, инсонлар шахс бўлиб туғилмайдилар, балки шахс бўлиб шаклланадилар⁵.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари томонидан фақат шахсларни тан олиш шахсий сифатларига эга бўлмаган инсонларни (вояга етмаганлар ва руҳий хасталар) тан олмасликка олиб келади. Бу фуқаролик қонунчилигига зид. Фуқаролик қонунчилиги фуқаролик ҳуқуқи субъ-

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000. –296-297 б.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2006 –71 б, Гражданское право. Учебник. В 3 т. Т. 1. –6-е изд. Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект. 2003. -99 с. Советское гражданское право. Ч. 1. Отв.ред. В.А.Ряшенцев. –М.: Юр.Лит. 1986. –71 с., Советское гражданское право. 2-е изд. Ч. 1. Отв.ред. В.Т.Смирнов, Ю.К.Толстой. –Л.: Ленинградское университет. 1982. -73 с. ва бошқалар.

³ Гуев А.Н. Гражданское право. Учебник. В трех томах. Т. 1. –М.: Инфра-М. 2004. –40 с.

⁴ Гражданское право. Учебник. В 3 т. Т. 1. –6-е изд. Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект. 2003. -99 с., Советское гражданское право. 2-е изд. Ч. 1. Отв.ред. В.Т.Смирнов, Ю.К.Толстой. –Л.: Ленинградское университет. 1982. -73 с.

⁵ Советское гражданское право. Субъекты гражданского права / Под ред. С. Н. Братуся. –М.: Юр.лит. 1984. С. 16; Малеин Н. С. Гражданский закон и права личности в СССР. –М.: 1981. С. 81.

екти сифатида ҳар бир инсонни ёши ва соғлиғининг ҳолатидан қатъи назар тан олади

Инсон – кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқининг ҳам субъектидир. Лекин мамлакатимиз фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилиги инсонни фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъекти сифатида белгилаш учун бошқа – «фуқаро» тушунчасини қўллайди. Бу тушунча инсонни «оиладан ажратиб» сифатида эмас, балки жамият билан муносабатга киришувчи шахс сифатидаги ҳолатини белгилайди. Шу сабаб ҳам фикримизча, «фуқаро» юридик тушунча ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда индивидуал иштирок этувчи субъект фуқаро, гуруҳ бўлиб иштирок этувчи субъектлар юридик шахс, давлат ҳисобланади. Чунки юридик шахслар ва давлат мавҳум тушунча бўлиб, у фуқароларнинг жамоа шаклида муносабатга киришишида маълум бир восита ҳисобланади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда алоҳида индивид тарзида иштирок этувчи субъект бу фуқародир. Айрим ҳолларда фуқаро деганда фақат бир мамлакатга тегишли инсонлар тушунилиши мумкин (масалан, конституциявий-ҳуқуқий муносабатда), лекин фуқаролик қонунчилигида фуқаро деганда нафақат бир давлат фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тушунилишлиги белгиланган (ФКнинг 16-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқида жисмоний шахс ўзига ҳос ҳуқуқий мақомга эга. Унинг субъектчилиги ҳали инсон сифатида мавжуд бўлмаса-да (туғилмасдан олдин меросга эга бўлиш жараёнида), юзага келиши мумкин. Бундай “хусусият” юридик шахс ва давлатда мавжуд эмас. Фуқаро биологик мавжудот эканлиги билан ҳам бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида фарқланади. Айнан ушбу хусусият ҳам бошқа субъектларда мавжуд бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, Д.Қараходжаева фуқароларга нисбатан “реал” ва “дастлабки” субъект иборасини қўллайди¹. Р.О.Халфина эса фуқароларни нисбатан бевоқиф ва тўғридан тўғри вужудга келувчи субъект сифатида эътироф этади². Ушбу фикрга қарши ўларок, Ж.Юлдашев ва Ш.Нуриддиновлар фуқароларга эмас, юридик шахсларга нисбатан “вужудга келиш”

¹ Қараходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. –Т.: ТГЮИ, 2004, -47 с.

² Халфина Р.О. Общие учение о правоотношении. –М.: Юрлит. 1974, -189 с.

ибораси қўлланилишини таъкидлайдилар¹. Ушбу ҳолатда, фикримизча, Ж.Юлдашев ва Ш.Нуриддиноваларнинг фикрлари ҳақиқатга яқинроқ. Зеро фуқаро вужудга келмайди, аксинча, туғилади. Қолган субъектлар эса унинг эрки-иродаси таъсири остида бўлади. Айнан ушбу ҳолат фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида жисмоний шахслар доирасига кирувчи вояга етмаган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақомини очиб беришда катта ўрин эгаллайди.

Фуқаролик ҳуқуқида вояга етмаганлар ва жисмоний шахс ва фуқаро тушунчаси таркибий қисми сифатида “Фуқаролар – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида” мавзуси ичида ўтилади. Унга алоҳида эътибор берилмайди. Айрим ўзига хос хусусиятларини инобатга олмаганда, улар билан боғлиқ муносабатларга фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари қўлланган ҳолда муносабат иштирокчиси бўладилар. Айнан ўзига хос хусусиятлар ушбу тадқиқот ишининг предмети доирасига киради. Шу сабабли асосий эътиборни айнан вояга етмаган шахсларга қаратамиз.

Фуқаролар фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлиш учун ақли расолигидан ва ёшидан қатъи назар мулкӣ ва номулкӣ муносабатда иштирок этиши талаб этилади.

Х.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, инсон тирик экан, у фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланади². Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятдаги жамики тирик инсон бевосита ҳамда билвосита фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлади, дейиш мумкин. Уларнинг муносабатда иштирок этиши учун ўз хатти-ҳаракатлари натижасини англашлари шарт эмас, улар номидан вакиллари ҳаракат қилишлари мумкинлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаронинг ўз вакиллари орқали муносабатга киришиши унинг бевосита ўзи муносабатга киришади дегани эмас, деган фикр туғилиши табиӣ. Вакиллик қилувчи (ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлик ва ҳомийлик органлари) ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзлари учун ҳуқуқ ва мажбурият туғдирмайдилар, аксинча, вужудга келаётган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ваколат берувчи учун туғилади (ФКнинг 129-моддаси).

Ҳуқуқ назариясида кўпгина нормаларда ҳам “фуқаролар”, “жисмоний шахслар” иборалари орқали ҳам вояга етган ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб кетаверади.

¹ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ, 2004. -84 б., Нуриддинова Ш. Юридик шахсларни бекор бўлиш асослари. –Т.: ТДЮИ, 2007. -7 б.

² Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига умумӣ тавсиф ва шарҳлар. 1-жилд. –Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –115 б.

1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да инсон ҳуқуқлари умумий асосда ҳимоя қилиниши белгиланган бўлса-да, лекин унда махсус вояга етмаганларга тушунча берадиган, вояга етмаганлар доирасини белгиловчи нормани учратиб бўлмайди¹. Фақатгина унда “ҳар бир инсон” ибораси қўлланиладики, у вояга етмаганларни ҳам ўз ичига олади. Вояга етмаган шахсларни ҳуқуқларини алоҳида ҳимоя қилишни нормативлаштириш халқаро миқёсда бир неча босқичларда амалга оширилган². Дастлаб бундай қадам 26 сентябрь 1924 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Женев Конвенцияси³ орқали ташланади. Унда болаларнинг моддий ва маънавий ҳуқуқлари ҳимоя қилинган бўлса-да, лекин унда “бола” тушунчасига тариф берилмайди. 1959 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари” Декларациясида ҳам бола тушунчаси берилмаган. Фақатгина 1989 йилги БМТнинг “Бола ҳуқуқлари” Конвенциясида “бола” тушунчасига тариф берилади⁴. Ушбу конвенциянинг 1-моддасида берилган тарифга асосан, бола бу агар қонун бўйича ушбу болага вояга етганлик олдиндан белгиланмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳамда Оила кодексида “вояга етмаган шахс”га тушунча берилмайди.

Фақатгина Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида вояга етмаганлар билан боғлиқ бир қатор тушунчалар берилган. Жумладан:

-бола (болалар) - ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

-етим бола - отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

-жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола - ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, аклий, сенсор (сезги) ва (ёки) рухий нуқсонлари бўлган бола;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар - юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан, ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар, етим болалар, ота-она қарамоғи-

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Т.: Адолат, 1999. -80 б.

² Ганибеева Ш. Международно-правовая защита прав ребенка. –Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2003, -6 с.

³ Городецкая И.К. Международная защита прав и интересов детей. –М.: Меж. Отношения. 1973. -12 с.

⁴ General Assembly resolution 44/25.

дан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар, кам таъминланган оилалардаги болалар, жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар.

-ногирон бола - жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

-ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола - ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

Лекин ушбу қонун “вояга етмаган шахс” тушунчаси билан “бола” тушунчасини бир хил маънода ишлатади. ФКда эса 14 ёшга тўлмаганларга “кичик ёшдаги болалар” (ФКнинг 29-моддаси) ва 14-18 ёшдаги шахсларга эса “вояга етмаганлар” ибораси қўлланилади.

ФКнинг 3-моддасида бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт деб белгиланганлигини эътиборга олиб, мазкур қонундаги иборалар ҳам ФК талабларига мослаштирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Зеро, амалиётда 14-18 ёшдагиларга “бола” эмас, “ўсмир”, “ўспирин” тарзидаги иборалар қўлланилади.

Кўпгина адабиётларда “вояга етмаган шахс” тушунчасига алоҳида тариф берилмайди. Бу вояга етмаган умумий тушунарли тушунча эканлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ф.М.Отахўжаевнинг таъкидлашича болалар дейилганда, амалдаги кодексларда қуйидаги иборалар ишлатилади: “бола”, “гўдак”, “эмизикли бола”, “кичик ёшдаги бола”, “ўспирин”, “вояга етмаган болалар”. Унинг фикрича, вояга етмаган болалар деганда 18 ёшга тўлмаган болалар тушунилади¹. Ш.Р.Юлдашева ва Ю.М.Колосовлар ҳам 18 ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган ҳисобланади тарзидаги тариф билан юқоридаги тушунчани такрорлайди². Ш.Ганибоева бола тушунчасига ўзининг фикрини билдирар экан, 18 ёшга тўлганларга нисбатан турли тушунчалар – “бола”, “вояга етмаган шахс”, “ёш”,

¹ Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳукуқи. –Т.: ТДЮИ, 2005. -159 б.

² Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳукуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш усуллари. Дисс. ю.ф.н. –Тошкент, -46 б., Kolosov Y. The CRC: Juridical significance and the Committee on the Rights of the Child: Stock taking and new challenges// Understanding Children's Rights Center, University of Gent. Belgium, 1998. p. 399.

“ўсмир” ва бошқалар қўлланилишини билдиради¹. Ушбу юқоридаги фикрлар бизнинг нуқтаи назаримизда “вояга етмаган шахс” тушунчасини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди.

Т.Умаровнинг фикрича, вояга етмаган шахсда ёш критерийси билан бирга ишчанлик ва ақлий қобилият, ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш мазмунини идрок эта олишга қодирлик ҳам муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди². Ушбу фикрга қўшилган ҳолда бизнингча, вояга етмаган шахслар нафақат ёш, балки бошқа факторлар таъсири остида ҳам бўлади.

«Вояга етмаган» атамаси фақатгина фуқароларга хос. Юридик шахс ва давлат ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилганликларидан сўнг бирданига ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўладилар ва мустақил муносабатга киришиш имкониятига эга бўладилар. Фуқаролар эса муайян ёшга етиши (у туғилгандан сўнг бундай имкониятни 18 йил кутади, эмансипация ҳолати қўлланганда эса - 16 йил) талаб этилади. Вояга етмаган фуқаро фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлса-да (ҳуқуқ лаёқати), онгли ҳаракат қилиш имконияти чекланганлиги бопис, ўзлари мустақил мажбуриятларни зиммаларига олишлари қонун билан 18 ёшга тўлиш муддати билан чегараланади (муомала лаёқати).

Фикримизча, вояга етганлик ва вояга етмаганлик орасидаги фарқни айнан ёш билан боғлаб қўйилганлигинининг асосий сабаби бу ёшдан (18 ёш) бошлаб, инсонда руҳий етукликка эришиш, ҳаётий тажрибанинг ортиши, ўзининг қилаётган хатти-ҳаракатини тушуниш ва ўзини идора этиш хислатлари пайдо бўлади. Мазкур белгиларнинг мавжудлиги шахснинг вояга етганлигини белгилаб беради.

Фуқаролар фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида шартли равишда икки босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Вояга етмаган фуқаролар;
2. Вояга етган фуқаролар.

Бундай бўлишга ёш ва ақли расолик цензи асос бўлади. Тадқиқот предмети вояга етмаган фуқаролар билан боғлиқлиги сабабли, асосий эътиборни уларга қаратамиз.

Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқидаги ўрнини аниқлаш зарур. Бу уларнинг мулкӣ ҳолатини аниқлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш масаласини ижтимоӣ аҳамиятини аниқлашда, биринчи навбатда, уларнинг ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя

¹ Ганибоева Ш. Международно-правовая защита прав ребенка. –Ташкент, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2003, -6 с.

² Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқӣ ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. -36 б.

қилишдир. Зеро, улар умумий фуқаролардан фарқли равишда муносабат субъекти бўлиши, яъни муайян ёшга етмаганлик, амалга ошираётган ишларининг ҳуқуқий оқибатини тўлиқ англай олмаслик ва хатти-ҳаракатларини ўзлари мустақил амалга ошира олмаслик хусусиятига эга бўлишидир.

Вояга етмаган фуқаро билан вояга етган фуқаро ўртасидаги фарқ биологик-жисмоний, юридик ва психологик мезонлар билан белгиланади.

Инсон аввало биологик мавжудотдир. Шундай экан, у тирик организм сифатида доимий биологик ривожланишда бўлади. Биологик ривожланиш ўсиш деб номланиб, у тана вазни ва ҳажмининг ундаги хужайра ва тўқималар кўпайиши ҳисобига ошишидир. Айнан ушбу биологик ривожланишнинг маълум бир босқичи ёки чегараси инсоннинг вояга етганлик даврининг бошланиши учун асос бўлади. Айтайлик, бу чегара турли мезонларда турлича бўлиши кузатилади. Юридик мезон 18 ёшга тўлишни талаб этса, биологик ёки психологик мезонларда бу босқич ундан камроқни талаб этади. Шу боис бу ҳолатларга тўхталишни лозим деб топдик.

Вояга етмаганлар ривожланишининг биологик мезони тиббиёт илми билан боғлиқдир. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси (бу фаннинг асосий мақсади ёш авлодни зуваласи пишиқ, жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишини таъминлашдан иборат) биология ҳамда ўсиш даврининг физиологияси билан чамбарчас боғлиқ. Бунда умумий биологик қонуниятларга риоя қилган ҳолда иш юритиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади.¹ Тиббиёт илми болаликнинг икки (биологик ва паспорт ёши) ёши мавжудлигини белгилайди. Паспорт ёши туғилганда қайд этилган ёш билан бошланади ва йиллар давомида ривожланиб боради. Биологик ёш эса болалар соматометрик (ўлчаш имкони мавжуд бўлган омиллар масалан бўй, қўл оёқ узунлиги, кўкрак ва бош айланаси оғирлиги ва бошқалар) ва самотоскопик (кўриш мумкин бўлган масалан жинсий етилиш ва бошқалар) маълумотларга боғлиқ. Бу икки ёш бир-бирига мос келмайди. Биологик ёш иқлимга, жўғрофий яшаш жойига, генетик омилларга, миллатига ва бошқаларга боғлиқ².

Боланинг ўсиши ва ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, унда бутун организм иштирок этади. Ўсишнинг тезлашиш давлари бола ҳаётининг маълум босқичларига мос келади, яъни етарли даражада

¹ Солихьяев С.С. Гигиена. –Т.: Ибн-Сино. 1992. –311 б.(432)

² Шамсиев С.Ш., Шабалов Н.П., Эрман Л.В. Руководство для участкового педиатра. –Т.: Медицина. 1982. 122 б.

аниқ биологик маромда кечади. Бола жисми – унинг тўқималари ва аъзолари катта одам организмидан сифат ва сон жиҳатдан фарқ қилади.

Биологик жиҳатдан вояга етмаганларнинг болалик даври қуйидаги босқичларни ташкил этади:

- янги туғилган давр (гўдаклик даври-10 кунгача);
- эмизикли давр (чақалоқлик – 11 кундан 1 ёшгача);
- дастлабки болалик даври (1-3 ёшли болалар);
- бирламчи болалик даври (3-7 ёшгача);
- иккиламчи болалик даври (7-11 ёшгача (қиз болаларда), 7-12 ёшгача (ўғил болаларда));
- ўсмирлик даври (қиз болаларда 12-15 ёш, ўғил болаларда 13-16 ёш);
- ўспиринлик даври (16-20 ёш)¹.

Вояга етган шахс билан бола ўртасида катта фарқлар мавжуд. Бу фарқлар жуда кўп омилларни ўз ичига олиши мумкин.

Бола туғилган пайтда унда катта кишиларда мавжуд бўлган ташқи дунёни англашда асосий воситалардан бири бўлган кўриш қобилияти суст бўлади. Чунки у ҳомила ичида қоронғуликда бўлиши кўриш қобилиятининг кам ривожланишига сабаб бўлади. Дастлаб унинг кўриш қобилияти катта одамлар кўриш имкониятининг 4%ни ташкил этади. Яъни у атиги 25 см. узоқликдаги нарсаларнигина кўриши мумкин, у олти ойлик бўлганда кўриш қобилияти 10%ни ташкил этиб, 4 ёшга тўлганда тўлиқ шаклланади ва мустаҳкамланади. Чақалоқларда кўриш қобилияти ўрнига аввало эшитиш қобилияти яхши ривожланади, ҳатто бу қобилият унинг туғилишидан олдинроқ ривожланган бўлади. Ташқи дунёда ҳатто ҳеч қандай ҳаёт тажрибасига эга бўлмаса-да у она қорнидаги вақтида эшитган оҳангни танийди. Шу сабабли дастлаб у бир нарсани иккинчисидан ажратишда эшитиш қобилиятидан фойдаланади. Олимларнинг аниқлашича, физиологик жиҳатдан чақалоқлар бош мия пўстлоқ қобиғининг эшитиш қобилиятига жавоб берувчи қисми у дунёга келишига қадар яхши ривожланган бўлади. Унинг дастлабки ташқи муҳитни англашидаги воситалардан бири лаб ва тил орқали оламни англашга ҳаракат қилишидир. Шу сабабли эътибор берилса, у барча нарсаларни оғизга солишга ҳаракат қилади. Олимларнинг таъкидлашларича, тил ва лаб ёрдамида олинган маълумот гўдак бош мия қобиғига биринчи бўлиб келар экан².

¹ Солихьяев С.С. Гигиена. –Т.: Ибн-Сино. 1992. –315 б.(432)

² Ёш ота-оналарга. –Т.: Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, 2007.-Б. 42

Бола катта бўлган сари ташқи оламни аста-секин англаб боради. Унинг тана аъзолари, ақлий камолотга етишиши ҳам айнан юқоридагилардан бошланади. Чунончи, унинг ҳаётий тажрибаси, оламни англаши макон ва замон таъсирида шаклланади.

Вояга етмаган шахслар билан боғлиқ юқорида санаб ўтган даврлар ичида вояга етмаганларнинг ўсмирлик даври алоҳида ажралиб туради. Чунки у вояга етишнинг чегараси бўлиб болада ҳам катта инсонларга, ҳам кичик болаларга хос хислатлар мавжуд бўлади. Илмий адабиётларда ўсмирлик даври (илк ўсмирлик 11-13 ёш, катта ўсмирлик даври 14-15 ёшдан бошланади)ни белгилловчи асосий омил жинсий балоғат билан боғланади¹. Бу асос албатта мантикий асосга эга. Зеро, болада жинсий балоғат аломатларининг сезилиши «ўзини катта деб ҳис қилиш» имконини беради. Унда болаларча руҳият аста-секин «емирилиб» боради. Психологлар ўсмирнинг ўзини катта деб ҳис қилишига тўсқинлик қилувчи ҳолат «катталар»-ота-оналарига моддий қарам эканлигида деб билишади.²

Ушбу даврлар медицина нуқтаи назаридан бўлинган бўлиб, кўпроқ вояга етмаганларнинг даволаш-профилактикасини тўғри йўлга қўйишни мақсад қилиб олади. Юридик нуқтаи назаридан эса бу таҳлит бўлиш шарт эмас. Ҳозирда амалда бўлган вояга етмаганларни юридик даврлаштириш мантикий тўғри ҳисобланади.

Инсонларнинг биологик ривожланиши муайян даврлар орасидаги ҳолатлари текширилганда бир-биридан фарқланиб бориши кузатилган. Бу ҳолат ўтган асрнинг 30-йилларида аниқланган. Масалан ўн йиллик оралиғида болаларнинг бўй узунлиги катталашганлиги, жинсий ривожланиши эрта бошланганлиги кузатилган. Бу ҳолат «Акселерация» деб номланади³.

Акселерациянинг асосий кўринишлари ҳозирги даврда XIX асрнинг 20-30 йилларига қараганда янги туғилган гўдакларнинг ёки мактаб ёшидаги болаларнинг бўй узунлиги ва тана оғирлигининг ошганлиги, жинсий ривожланишнинг эрта бошланиши (ҳар ўн йилда 4-6 ойга тезлашган. Ўғил болаларда бу давр 1-2 ёш олдин бошланган) ҳисобланади.

Болаларда акселерациянинг кучайиши, фикримизча, камолотга эришган сайин унинг психик дунёсида янги фазилатлар ва сифатлар

¹ Каримов В.М. Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. -Тошкент, 2000. -118 б.

² Каримов В.М. Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. -Тошкент, 2000. -171 б.

³ «Акселерация» атамаси латинча «acceleratio» сўзидан олинган бўлиб тезлашиш деган маънони англатади. Бу атамани дастлаб немис олими Коч 1935 йил муомалага киритган. Шамсиев С.Ш., Шабалов Н.П., Эрман Л.В. Руководство для участкового педиатра. -Т.: Медицина. 1982. -122 б.(624).

пайдо бўлиши, бу ўзгаришлар унинг олдига янги талабларни қўйиши, бу эса ўз навбатида кўпроқ ҳуқуқ ва эрк берилишини, энг аввало, му-
стақил қарорга келишини ҳамда буни ўзгалар томонидан тан оли-
нишининг талаб қилинишига олиб келади. Масалан, ҳозирги кунда
вояга етмаганлар гарчи 14 ёшга тўлмаган бўлсалар-да, бозорларда
савдо қилаётганликлари, турли хизматлар кўрсатиш билан шуғулла-
наётганлиги, умуман олганда, меҳнат муносабатларига олдинроқ ки-
ришишга ҳаракат қилаётганликларини кўриш мумкин. Бу эса уларни
мавжуд ҳуқуқ ва масъулиятларини олдинроқ тан олишга ҳаракат қи-
лиш лозимлигини. Буни қонун томонидан тан олишга эришиш лозим
деган хулосани келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунга қадар акселерация муаммоси бир қатор илмий
назарияларнинг туғилишига олиб келган. «Гелигион назарияси» (1936
йилда пайдо бўлган) акселерациянинг асосий сабабини қуёш нури
таъсирида деб биладилар. «Гетерозия назарияси» (XIX аср охири XX
аср бошларида пайдо бўлган) инсонлар ўртасидаги ижтимоий, диний,
миллий, ирқий, тафовутларнинг камайиши аралаш никоҳнинг кучай-
ишига олиб келди, натижада наслий белгиларнинг кескин ўзгариши
акселерация учун сабаб бўлди деган ғояни илгари суради. «Урбани-
зация назарияси» қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг яқинлашиши акселе-
рацияга сабаб бўлганлигини таъкидлайди. «Нунритив назарияси»нинг
моҳияти инсонларнинг овқатланишининг яхшиланиши акселерацияга
сабаб бўлди деган фикрнинг устунлигидадир. «Нурланиш назарияси»
намояндалалари фикрича, ер юзида рентген қурилмаларининг кўпай-
иши, атом, водород ва нейтрон бомбаларининг портлаши натижасида
инсон радиактив нурланиши ортмоқда ва бу акселерацияни кучай-
тирмоқда¹.

Э.Ғозиевнинг фикрича, болалардаги акселерациянинг сабаби
ота-оналарнинг умумий савияси, юксалгани, ижтимоий турмушда ах-
борот васиталарининг кенгайганлиги, матбуот ва бадиий адабиётлар-
нинг сифат ва миқдор жиҳатдан ошганлигидадир.²

Айрим адабиётларда қуёш нури, жумладан, ультрабинафша нур-
лар, радио-телевизион станцияларнинг кўпайиши ортиқча электро-
магнит тўлқинлари, фазони ўзлаштириш, озиқ-овқат сифати ва миқ-
дорининг ошиши, тиббий хизматнинг ошиши, транспорт хизмати-

¹Ғозиев Э. Психология. –Т.: Ўқитувчи. 1994. –142-143 б. (223).

²Ғозиев Э. Психология. –Т.: Ўқитувчи. 1994. –143 б. (223).

нинг ортиши, турли миллатларнинг қўшилиб қорилиши каби омиллар акселерацияга сабаб бўлиши таъкидланади.¹

Фикримизча, аҳоли кўчиб юришининг кўплиги ва аралаш ни-кохларнинг пайдо бўлиши, генетик мезон, экологик таъсир, ижтимоий шароитлар (масалан, ривожланган мамлакатларда кам ривожланган мамлакатларга нисбатан шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолиси-га нисбатан акселерация кучли) спортнинг муваффақиятлари (халқаро спортда иштирокнинг яшарганлиги), бундан ташқари компьютер тех-нологияларининг ўсиши ва ахборот олиш имкониятларининг чексиз-лиги акселерацияга олиб келувчи омилдир.

2000 йилдаги статистик маълумотларга кўра дунё миқёсидаги маълумотлар ҳажми охириги 10 йил ичида икки бараварга кўпайган. Яъни мавжуд маълумот ва ахборотлар базаси инсон яратилгандан то 2000 йилгача қанча ҳажмга етган бўлса, шунинг тенг ярми охириги 10 йил ичида пайдо бўлган².

Акселерация ҳолати болаларнинг тез вояга етишларини (ҳам жисмоний, ҳам руҳий) тасдиқлар экан, демак ФКда белгиланган вояга етганлик ёши нисбий олинган ва у маълум бир даврларда ўзгариб ту-ради деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Масалан, 1963 йилги ЎзССР ГКсининг 14-моддаси мазмунидан қисман муомалага лаёқатлилиқ 15 ёшдан бошланганлиги аён бўлади. Ўсмир ибораси ҳам 15 ёшдан бошланган³. 1997 йил 1 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида эса бу ёш 14 ёшдан бошланади. Демак, амалдаги ФК лойиҳаси ишлаб чиқарилаёт-ганда акселерация ҳолати инобатга олинган.

Акселерация жараёни кузатилса, вояга етиш ёши қисқаради, ак-синча ретардация (акселерациянинг тўхтаб орқага қайтиши) жараё-нида вояга етиш ёши узайиш эҳтимоли бор. Фақат бу ўзгаришлар бир неча ўн йилликларни ўз ичига олиши мумкин. Юқоридагиларни ино-батга олиб, ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий назария ва норматив ҳуқуқий база яратаётган пайтда медицина фанлари билан ҳамкорлик-да ишлаши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, назаримиз-да. Зеро, ушбу акселерация ҳолатига эътибор бермаслик вояга етма-ганларга нисбатан адолатсизлиқ ҳисобланади. Чунки улар биологик ҳамда психологик балоғатга етган бўлсалар-да, юридик нуқтаи назар-

¹ Мазурин А.В. Воронцов И.М. Пропедевтика детских болезней. –М.: Медицина 1986. –29 б. Солихьяев С.С. Гигиена. –Т.: Ибн Сино. 1992. –324 б.

² Сотиболдиев А. Ё “бор!”, ё “йўқ!”. //Ирмоқ. №7. 2007. -26 б.

³ ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари. 1963. 36-сон

дан уни тан олмаслик ёки панжа ортидан қараш юқоридаги тамойилнинг бузилишидир албатта.

Акселерацияни болаларнинг тезлашган ривожланишидан фарқлаш лозим, тезлашган ривожланиш (оксилларни кўп истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади) биохимик системаларни (ферментлар)нинг эрта ривожланишига ва оқибатда биологик етилишнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бу ерда вояга етмаган шахслар билан боғлиқ акселерация ҳолатига алоҳида тўхталишдан мақсад ФКнинг 27 ва 28-моддаларига ўзгартириш киритиш эмас. Зеро айти кунда ушбу моддалар ҳаётда тўла ўзини оқламоқда. Лекин ФКнинг 28-моддаси (эмансипация) талабларини айтган акселерация нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Вояга етмаганлик» тушунчаси психологик мезон ҳамдир. Ушбу мезонни тадқиқот ишида ўрганишдан мақсад психология шахсининг инсонда турли руҳий (психик) жараёнлар (сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл ва.х.к.) ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини уларнинг ҳар хил фаолиятини, инсон шахсининг камол топишини ўрганади. Инсон зотининг турли жиҳатларини ўрганиш билан болалар анатомияси ва физиологияси, олий асаб фаолияти физиологияси, гигиена, педагогика, этнография каби фанлар шуғулланганидек, унинг психикасини, онгининг ўсишини белгиловчи ижтимоий омиллар ҳамда психологик механизмларни, умумий инсон зотининг туғилгандан вояга етгунга қадар ва ундан сўнгги давр психик ривожланиш мезонларини болалар психологияси фани тадқиқ этади¹. Ф.Н.Гоноболик бола психикасининг ривожланиш жараёни фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўзгарганлиги сабабли «бола – бу кичик ёшдаги катта одам» деб бўлмайди. Кичик ёшдагиларнинг психик жараёнлари катта ёшдагиларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлади² деб таъкидлайди.

Психологларнинг нуқтаи назарида ўсмирлик (подростковый возраст) ўтиш даври 11-15 ёшни ташкил этиб, у биологик нуқтаи назардан жинсий етуклик даври билан бирга параллел равишда организмнинг бошқа биологик системалари ҳам етилишига боғлиқ бўлади. Ижтимоий ўрин бўйича ўсмирлик даври бирламчи умумлаштириш даврининг давомидир. Бу ёшдагилар ўқувчилар ҳисобланади. Ўсмирларнинг ижтимоий мақоми болалик давридан кам фарқланади.

¹ Ғозиев Э. Психология. –Т.: Ўқитувчи. 1994. –5 б. (223).

² Гоноболик Ф.Н. Психология.. Н.Ф.Добринин таҳрири остида. –Т.: Мехнат. 1976. –180 б. (272)

Психологик нуқтаи назардан бу ёш фикрлаш ва дунёқарашдаги зиддиятлар давридир. Бундай типик ёшдаги зиддиятлар ва уларнинг ўзига хос тушуниш ўсмирлар учун хосдир¹.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда эътироф этамизки, дарҳақиқат, айнан ўсмирлик давридаги бола тарбияси унинг келажаги учун катта аҳамият касб этади. Зеро, халқимиздаги ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир, -деган мақол ҳам фикримизнинг далилидир. Айнан дунёни, ташқи оламни англашдаги бу даврда ҳаёт, муомила, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, тўғри фикрлаш каби қатор хислатларни шакллантириш унинг келажакда шахс сифатида шаклланишига туртки бўлади.

Психологлар ўспиринлик (юношеский возраст) даври 14-18 ёшни ўз ичига олишини таъкидлайдилар². Бу давр вояга етмаганлар билан боғлиқ учинчи даврдир. Бу давр катта ёшдагилар ва болалар оралиғидаги давр бўлиб, унда боладаги физик етилиш ниҳоясига етади. Шу сабабли ҳам бу даврда эмансипация ҳолатининг қўлланилиши (16 ёш), оила қуришга рухсат берилиши (17 ёш), жавобгарлик субъектига айланиши мумкин бўлади.

Вояга етмаган фуқаролардаги зарурий ҳаётий тажрибанинг камлиги ҳам ҳуқуқий мақомни белгилашда муҳим ўрин эгаллайди. Айнан ҳаётий тажрибасизлик натижасида улар кўпроқ катталар ёрдамига, таянчига, маслаҳатига муҳтожлик сезадилар. Бунга риоя этмаслик эса турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши табиий. Ҳатто вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши ҳам ҳаётий тажрибасизлик натижасидир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, тан олиш керак, ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг сабаби – кўпинча биз катталар масъул бўлган уларнинг тарбиясида йўл қўйилган камчиликларнинг натижасидир³.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг таркибий қисми эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Охирги йилларда уларнинг гоҳ ўсиши, гоҳ пасайиши кузатилмоқда. Агар 1997 йилда вояга етмаганлар томонидан 2203 та жиноят содир этилган бўлса, 1998 йилда – 2114 та жиноят, 1999 йилда – 2025 та жиноят, 2000 йилда – 2166 та, 2001 йилда – 2068 та жиноят рўйхатга олинган⁴. Жиноятчилик фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгармоқда. «Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноят-

¹ Усманова А. Норбоев А. Юридическая психология. Учебник. –Т.: ТГЮИ, 2005. -84 с.

² Усманова А. Норбоев А. Юридическая психология. Учебник. –Т.: ТГЮИ, 2005. -85 с.

³ Каримов И.А. Адолат – конун устуворлигида. //Халқ сўзи. 30 август 2001 йил.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2001-2002 йиллардаги умумлашмасидан олинди.

лар умумий содир этилган жиноятларнинг ҳар йили ўртача 5,14 фоизини ташкил этмоқда. Содир этилаётган жиноятларнинг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, гуруҳ аъзолари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланганлиги, уларнинг ғараз ниятлар билан амалга оширилиши, таъсир доирасини кенглиги, жиноий гуруҳларнинг ўзаро қарама-қаршилиги шафқатсиз шаклларда эканлиги билан ажралиб туради»¹.

Афсуски, вояга етмаганлар кўпинча қайси ёшдан бошлаб ва қандай жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишларини билмайдилар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида сўралган вояга етмаганларнинг 30% и жиноий жавобгарлик фақат 18 ёшдан бошлаб амал қилади деб ҳисоблаганлар. Ҳатто 16-17 ёшли ўсмирлар ўғрилиқ, безорилик ва танага шикаст етказиш каби жиноятларни содир этиш учун уларнинг ёшида жиноий жавобгарлик кўзда тутилмайди, деб фикр юритганлар².

«Вояга етмаганларнинг кундалиқ юриш-туришида ёки уларнинг ахлоқида кўпинча руҳий этилмаганлик аломатлари намоён бўлади. Лекин бу уларни жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликдан озод этилишларига сабаб бўлолмайди»³. Буларнинг барчаси ҳаётий тажрибага эга эмаслик оқибатидир. Шу сабабли ҳам вояга етмаган ибораси билан бирга ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган тушунчаси бирга ишлатилиши лозим.

Бундан ташқари вояга етмаган шахс ўзини катталардек хис қилиши, билиб, билмай уларга тақлид қилиши, ўзини идора эта олмаслик, барча воқеа-ҳодисаларга таъсирчанлиги ҳам катта ёшдагилардан фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маълум бир ёш, ўз ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатини англаш, зарур ҳаётий тажриба, зарур ақлий, руҳий ва ўзини-ўзи идора этиш қобилиятининг мавжудлиги каби омиллар инсонда мавжуд бўлган тақдирдагина, у ҳуқуқий муносабатга ўзи мустақил киришувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Демакки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий камол топишида ушбу омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бола шахсини таркиб топтириш учун унинг ривожланиш шароитларини, у дуч келаётган таъсирларни билиш керак. Шунингдек, унинг шахсида таркиб топган хусусиятларни, яъни ташқи муҳитнинг таъсири амалга ошадиган кичик шароитларни ҳи-

¹ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. –8 с.

² Преступность и правонарушения. Статистический сборник. –М.: 1995. –49 с.

³ Орлов В.С. Административная и уголовная ответственность несовершеннолетних. –М.: 1980. –29 с.

собга олиш зарур. Шунинг эса тутиш лозимки, болаларни кичик ёшдан тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг боиси шуки, ҳамма нарсаси болаликдан бошланади, катта инсоннинг маънавий қиёфаси болалик йилларида қандай тарбияланганига боғлиқ.

Юридик мезон бошқа мезонларга асосланади ва улар таъсирида ўз хусусиятини белгилайди. «Вояга етмаганлик» тушунчасининг юридик мезон сифатидаги, унинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги ҳолати ва ҳуқуқий муносабатларга киришиш лаёқати билан белгиланади. Улар ҳуқуқ субъекти сифатида муносабатга киришишда ўзига хос қўйидаги хусусиятларга эга бўладилар:

-вояга етмаган фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқати тўлиқ эмаслиги муносабатга киришишда алоҳида ҳуқуқий тартибга солишнинг “процессуал” тартиби талаб этилади;

-вояга етмаганлар ҳаётда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил тарзда ҳимоясини таъминлай олмаганликлари туфайли, давлат уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишларини кафолатлайди, чунки амалда вояга етмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари вояга етган фуқароларникига қараганда кўпроқ бузилади.

Л.Г.Кузнецова ва Я.Н.Шевченколарнинг фикрича вояга етмаганлар иштирокида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш имтиёзларнинг мавжудлиги, умумий муносабатларда қатнашганда имкониятларнинг кенглиги ёки муайян чекловларнинг мавжудлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туради.¹

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми фақатгина фуқаролик ҳуқуқида ўрганилмайди. У ҳуқуқшуносликда мавжуд барча ҳуқуқ соҳаларининг ўрганиш предмети ҳисобланади. Хусусий (фуқаролик, оила, меҳнат, процессуал ҳуқуқ ва бошқалар) ва оммавий (жиноят, жиноят ижроя, жиноят процессуал, халқаро ҳуқуқ ва бошқалар) ҳуқуқ соҳалари вояга етмаганларнинг ҳуқуқий моқомини белгилашда махсус қоидаларни белгилайди, бу махсус қоидалар муайян имтиёзларни бериш, муносабатда вакиллари орқали ҳаракат қилиш қабиларда кўринади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб фикримизча, вояга етмаган фуқаролар деганда қонунда белгиланган ёшга етмаган, ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатини англай олиш учун ҳаётий тажриба ва зарурий ақлий, руҳий, иродавий қобилиятларга эга бўлмаган фуқароларга айтилади.

¹ Кузнецова Л.Г., Шевченко Я.Н. Гражданскоправовое положение несовершеннолетних. –М.: Юридическая литература. 1968. -3 с.

2. Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати

Вояга етмаган шахсларга қонун ҳужжатлари ўзларига мос ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди ва талаб қилиш ҳам айнан улар доирасидан келиб чиқиб белгиланади. Фақатгина уларга бериладиган ҳуқуқ ва мажбурият улар англайдиган даражада бўлиши лозим бўлади. Чунки англай олиш имкониятигина ҳуқуқни амалга ошириш, мажбуриятни талаб қилиш имкониятини беради. Акс ҳолда вояга етганлар, қонуний вакиллар, васийлик ва ҳомийлик органлари, давлат ваколатли органлари уларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда кўмаклашишга мажбур бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 87-моддасига асосан вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишнинг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт эканлиги белгиланган¹.

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида қайд этилганидек, давлат ва унинг ваколатли органлари бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз ваколат доирасида давлат сиёсатини амалга оширадилар. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- боланинг камситилишига йўл қўймаслик ҳамда боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;
- болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995, № 1. 3-модда.

- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

- болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

- болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таъминлаш;

- боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

- болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

- бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш¹.

Амалдаги қонунчилик вояга етмаганларнинг турли соҳалардаги ҳуқуқларининг кафолатини белгилаб беради. Бундай соҳалар истеъ-молчиларнинг ҳуқуқлари билан соғлиқни сақлаш билан боғлиқ; спорт, ижтимоий, маданий, маърифий ва сиёсий соҳалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасига асосан, давлат вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланиши учун, касалликларнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда тиббий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

Вояга етмаганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш;

санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш;

касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда.

соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш.

Ўн тўрт ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра бюджет маблағлари, хайрия жамғармалари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишлари, уларни тарбиялашдан бўйин товлашлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлиғига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади¹.

Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи уларнинг ҳуқуқий лаёқатлари билан боғлиқ. Бу ҳуқуқий лаёқат турли ҳуқуқ фанларида муносабатдан келиб чиқиб номланади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқий лаёқат, меҳнат ҳуқуқий лаёқат ва бошқалар.

Ҳуқуқ субъектларини характерлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади (ФКнинг 17-моддаси). Ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлмай туриб, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди².

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати ҳуқуқ субъектчилиги билан белгиланади. Бу икки тушунча хусусида фикр юритар экан, айрим олимлар уни бир хил тушунча деб³, айримлар ҳуқуқ лаёқати унинг таркибий қисми сифатида⁴, айримлар эса фарқли эканлиги⁵ ҳақида мулоҳаза билдирадilar. Фикримизча, бу икки тушунча бир хил мазмунга эга.

Жисмоний шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги ҳуқуқий ҳолати ҳуқуқ ва муомала лаёқати категориялари орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996. 9-сон, 128-модда

² Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2006. –82 б., Баратов М.Х. Давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ, 2005. –21 б.

³ Брастус. С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Юр издат. 1950. –6 с.

⁴ Якубов С.А. Субъекта советского гражданского процессуального права. –Т.: Фан. 1973. –59 с.

⁵ Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. –М.: Юрид лит. 1974. –117 с.

“очиб” берилади. Лекин айтиб ўтилган икки категория барча ҳуқуқий тизимларда ҳам фарқланмайди. Англия ва АҚШда ҳуқуқ ва муомала лаёқати атамалари бир – “legal capacity”(ҳуқуқ лаёқати) атамаси шаклида ишлатилади¹.

Миллий қонунчилигимиз, шунингдек, МДХ давлатлари фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқ ва муомала лаёқати бир-биридан ажратилган, уларнинг фарқлари аниқ кўрсатиб қўйилган, лекин бундай терминалогик ажратишлар айрим мамлакатларда мавжуд эмас. Масалан, Англия ҳуқуқ тизимида лаёқат билан боғлиқ уч термин –пассив ҳуқуқ лаёқати (passive capacity), актив ҳуқуқ лаёқати (active capacity) ва ҳуқуқий актни амалга ошириш лаёқати (capacity for performance) ишлатилади². Францияда эса ҳуқуқ ва муомала лаёқатини белгиловчи ягона – “capacity” атамаси мавжуд. Франция Фксининг 448-моддасида шахс вояга етгандан сўнг фуқаролик ҳолатининг барча актларига лаёқатли бўлиши белгиланган³. Германиянинг Гражданлик Тузуғи ва Швейцария ФКсида ҳуқуқ, муомала ва делект лаёқат тушунчалари мавжуд.⁴ Ушбу давлатларнинг делект лаёқати ҳуқуқий категорияни муомала лаёқатининг хусусий ҳодисаси сифатида ишлатилишидир (масалан, Швейцария ГКнинг 15-м), Германия Гражданлик Тузуғининг 828-фаслида делект лаёқатнинг вояга етмаганлар билан боғлиқ қисмида 7-ёшдан 18 ёшгача делект жавобгарлик келиб чиқиши учун вояга етмаган ўз жавобгарлигини англаш учун етарли онг бўлиши талаб этилади.⁵ Миллий қонунчилигимизда деликт лаёқат алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлса-да, у билан боғлиқ қоидалар муомала лаёқатининг таркибига киритиб юборилган. Россия Федерациясида муомала лаёқати ўз ичига битим тузиш лаёқати ва деликт лаёқатни олишлигини айрим муаллифлар таъкидлайдилар.⁶

Ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг субъектлари бўлиш лаёқатини, қонун билан белгиланган ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкониятини белгилайди. Фақатгина ҳуқуқ лаёқати бўлгандагина аниқ субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлиши мумкинлиги бу категориянинг мазмунини ифодалайди. Ҳар бир фуқаро ҳуқуқ лаёқатига эга. У инсоннинг туғилиши билан пайдо бўлади ва

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: Международ. отношения. 1993. –62 б.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2006. –39 б.

³ Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: Межд.отношения. 1993. –62 б.

⁴ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина –М.: Международные отношения. 1983. –77 б.

⁵ Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: Международ. отношения. 1993. –63 б., Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина –М.: Международные отношения. 1983. –77 б.

⁶ Гражданское право. Т.1. отв.ред. А.П.Сергеев и Ю.К.Толстой. –М.: Проспект. 2003. –117 б.

унинг вафоти натижасида тугайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишида тенглик мавжуд. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси¹ ва ФКнинг 17-моддасида белгиланган.

Ҳуқуқ лаёқатининг характери ва мазмуни жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларидан келиб чиқади ва у фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради. Лекин ҳуқуқ лаёқатини инсоннинг кўриш, эшитиш ва ҳ.к.лардек, табиий имкониятлари деб хулоса қилмаслик лозим. Ҳуқуқ лаёқати инсонни туғилганда пайдо бўлгани билан, у табиат томонидан эмас, балки қонун кучи билан жамият томонидан “инъом” этилади. Демак ҳуқуқ лаёқати ва табиий ҳуқуқ тушунчаси бошқа-бошқа тушунчалар ҳисобланади.

С.С.Алексеевнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқ лаёқати шахсга тегишли муайян фазилат(хусусият) сифатида кўринади². Бу фазилат қонун ҳужжатларидан келиб чиқади ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатида намоён бўлади. Лаёқат эса юридик имкониятни белгилайди.

С.Н.Братус ҳуқуқ лаёқатини ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг субъекти бўлиш ҳуқуқи деб ҳисоблайди³. Я.Р.Веберс ҳуқуқ лаёқатини муайян субъектив ҳуқуқ сифатида кўради.⁴

Айрим муаллифлар ҳуқуқ лаёқати тушунчасини фуқаронинг руҳий-физиологик ҳолати билан боғлашади. Масалан Н.И.Матузовнинг фикрича, ҳуқуқ лаёқати бу шахснинг муайян қобилияти бўлиб, у руҳий-физиологик ҳолати билан (ёш, руҳият) боғлиқ, бу имконият шахс ўзининг руҳий физиологик белгилари билан ҳуқуқ субъекти сифатида намоён бўлишида кўринади.⁵ Н.И.Матузовнинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди. О.С.Иоффе ҳуқуқ лаёқати – бу фуқаронинг жамиятдаги шахснинг ҳолати бўлиб, у унинг туғилишидан пайдо бўлади, лекин у на ёшига на руҳий ҳолатига боғлиқ бўлмаслигини таъкидлайди.⁶

Н.М.Ершова фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатини бутун халқ ва алоҳида фуқаронинг манфаатларига жавоб берадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ижтимоий мазмунида намоён бўлишида деб таъкид-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон 2003. –6 б.

² Алексеев С.С. Общая теория права. Т.2. –М.: 1982. С. 141.

³ Братусь С.Н. Субъекты гражданская права. –М.: 1950. С. 6.

⁴ Веберс Я.Р. Право-субъектность граждан в советском гражданском и семейном праве. –Рига.: 1976. С. 51.

⁵ Н.И. Матузов. Личность. Права. Демократия. С. 198

⁶ О.С. Иоффе. Гражданское право. 1967 С. 113.

лайди.¹ Ушбу баҳсда фикримизча, О.С.Иоффенинг фикрлари ўринлидир.

Ҳуқуқ лаёқати бу умумий, зарурий ва қонун томонидан белгиланган психофизиологик факторларга боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкониятидир.²

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати мазмунини ФКнинг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари, мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари, банкда жамғармаларга эга бўлишлари, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари, ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, ўзлари мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар билан биргаликда юридик шахслар ташкил этишлари, қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузишлари ва мажбуриятларда қатнашишлари, бошқа шахслар томонидан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари, маҳсулот турини ва яшаш жойини танлашлари, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларнинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари, шунингдек, бошқа мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ҳақидаги, шунингдек ўз ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас деб ҳисобланади (қонун йўл қўйган ҳоллардан ташқари ФКнинг 23-моддаси). Л.А.Морозова ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни тўғрисида фикр юритиб, у ҳеч қачон чекланмаслигини таъкидлайди³.

Ҳар қандай инсон субъект сифатида тан олинисига ҳақли эканлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Демак, вояга етмаганлар ҳам инсон сифатида ҳуқуқ субъекти бўладилар ва ҳуқуқ лаёқатига эгалар.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ лаёқати ҳам ўзига хосдир. Гарчи улар амалдаги қонун ҳужжатларида вояга етганлар билан бирдай

¹ Ершова Н.М. Охрана прав несовершеннолетних по советскому гражданскому и семейному праву. –М.: Юр.лит. 1965. –5 б.

² Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореферат. к.ю.н. -Т.: 2004. –21 б.

³ Морозова Л.А. Гражданское право. Гражданские правоотношения //Основы государства и право. 2000. №5. –С. 10.

ҳуқуқ лаёқатига эга бўлсалар-да, лекин уни амалга ошириш жараёни тубдан фарқланади. Шунингдек, вояга етмаганларда ҳуқуқ субъект-лигини характерлайдиган ҳуқуқий лаёқат элиментлари бир хилда мавжуд бўлмайди. Зеро, вояга етмаган шахсда туғилган заҳоти унда муайян ўз манфаатлари борлиги сабабли ҳуқуқ лаёқати мавжуд бўлади ва тўлақонли амал қилади. Муомала лаёқати эса вояга етганлардан фарқли ўлароқ табақалашган ҳолда мавжуд бўлади. бу табақалашганлик ФКнинг 27 ва 29 моддаларида назарда тутилган. Субъект-лиликнинг яна бир элименти ҳисобланган делект лаёқат эса вояга етмаган шахсда кейинчалик вужудга келади. Бола 6 ёшгача делект лаёқатга эга бўлмайди.

Бир томондан, болалар катталар эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланишга олмайди, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис, давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади.¹

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ лаёқатига нисбатан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати қоидалари қўлланилади, яъни ҳуқуқ лаёқати назарияси фуқаронинг ёшига боғлиқ эмас. Вояга етмаганлар ўз мулкига эга бўлиш, турар жой ва бошқа мулклардан фойдаланиш, мерос олиш, турар жой танлаш, муайян машғулотлар турини танлаш, фан, адабиёт, санъат асарлари, ихтироларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлиш, шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатига эгадирлар².

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 1-моддасига мувофиқ барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар.

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан то ўлимигача ундан ажралмайди, у билан бирга бўлади. Янги туғилган чақалоқ ҳам ҳар хил ҳуқуқларга, чунончи, яшаш ҳуқуқи, даволаниш ҳуқуқи, овқатланиш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи каби қатор табиий ҳуқуқларга, шу жумладан, ота-оналардан тарбия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Киши туғилиши билан унинг ҳаёти бошланганидек, туғилиши билан ҳуқуқ субъекти сифатида яшаши ҳам бошланади.

И.Насриевнинг таъкидлашича, ҳаётнинг бошланиш вақтини қонуний мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятли масаладир. Аммо уни

¹ Ганибоева Ш. Международный механизм контроля реализации конвенции о правах ребенка. // Давлат ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2002. №2. – Б.31.

² Кузнецова Л.Г., Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положение несовершеннолетних. –М.: Юридическая литература. 1968. –8-14 б.

белгилаш учун бир қатор саволларга жавоб топиш лозим бўлади. Биринчидан, она қорнидаги бола ривожланишнинг қайси давридан яшашга қодир ёки яшаш қобилиятига эга ҳисобланади ва ҳуқуқнинг субъектига айланади? Иккинчидан, бу боланинг параметрлари қандай бўлиши керак ва ҳ.к.

Медицинанинг ривожланиши ўз-ўзидан юридик фан олдига ҳам улкан муаммоларни вужудга келтирмоқда. Масалан, жуда ҳам жуссаси кичкина, аммо ақли, руҳияти нормал чақалоқлар туғилмоқда. (Масалан, Хитойда оғирлиги 250 грамм, бўйи 15 см.ли чақалоқ туғилган). Савол туғилади, ҳаётга, яшашга қодирликни ҳажм жиҳатдан кўрсаткичларини белгилаш вақти келмадимикин.

Айрим қонун ҳужжатларида кежакда туғиладиган болани ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга қаратилган нормалар мавжуд. Масалан, ФК нинг 1009-моддасида боқувчиси вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига мархумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам кўрсатилган.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда чақалоқ онанинг ўлиmidан кейин туғилиши мумкин (Бундай ҳоллар онанинг касаллиги ёки бошқа сабаблар натижасида юз бериши мумкин). Гап шундаки, тиббиёт ходимларининг мажбурияти сифати қонун ҳужжатларида боланинг яшашига имкон берадиган барча чора-тадбирларни кўриши шартлигини белгилаб қўйиш лозим, токи онанинг бўйидаги чақалоқни сақлаб қолишнинг барча чоралари кўрилмаган ҳолларда жавобгарлик юзага келиши шарт бўлсин. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, она ҳомиласидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ёки фойдаланишни тақиқлаш масаласи қонуний ҳал бўлмоғи лозим. АҚШ, Англия каби қатор давлатлар бу тарзда олиб бориладиган тадқиқотларга қонун ҳужжатлари билан чек қўйилган. Фикримизча, ижтимоий масала ҳисобланган бундай вазифани ҳал этмоқ зарур¹.

Кишининг туғилиш факти муҳим юридик аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли боланинг туғилиши фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЁ) да давлат рўйхатидан ўтказилади. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома(1995 йил 10 ноябрдан амалга киритилган)га асосан, туғилганлик тўғрисидаги ариза бола туғилганидан бошлаб бир ой муддат ичида берилиши зарур. Рўйхатдан ўтказилмаслик туғилган боланинг ҳуқуқига таъсир

¹ Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006. -17 б.

этмайди, фақат унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳаракатларни амалга оширишда қийинчилик туғдиради.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши билан бошланса ҳам, қонун баъзи ҳолларда ҳали туғилмаган бола - келгусидаги ҳуқуқ субъектининг манфаатларини ҳам эътиборга олади ва қўриқлайди. Масалан, қонунга асосан мерос қолдирувчи вафот этган, яъни қонун белгиланган тартибда мерос очилганидан сўнг туғилган болалари ҳам ворис бўла оладилар (ФКнинг 1118-моддаси).

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимоотида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили тақлиф этилиши лозим. Бундай ҳолат айрим давлатлар фуқаролик қонунчилигида (Молдова Республикаси ГКнинг 1568-моддаси) назарда тутилган бўлса, айрим давлатлар (Арманистон ва Туркманистон Республикалари ГКлари) фуқаролик қонунчилигида бундай ҳолат мавжуд эмас.

Ф.А.Курганова мерос бўлиб қолдирилган мажбурий улуш императив мазмун касб этишини, уни мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари мажбурий олиши таъкидлаб ўтади¹. Ушбу ҳолат ФКнинг 1142-моддасида ҳам назарда тутилган. Лекин мазкур нормада ҳомилада бўлган боланинг мажбурий улуш олиш ҳуқуқи назарда тутилмаган. Ваҳоланки, ҳомиладаги бола ҳали ФКда назарда тутилган “вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари” қаторига кирмайди. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, фикримизча, ФКнинг 1142-моддасига мерос қолдирувчининг ҳомиладаги болаларини ҳам мажбурий улуш олувчилари қаторига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Туғилмаган чақалоқ гарчи ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса-да, унга нисбатан татбиқ этиш у тирик туғилганидан бошланади. Агар чақалоқ тирик туғилмаса, ҳуқуқ субъекти сифатида мавжуд бўлмайди ва унинг ҳуқуқ лаёқати тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Япония қонунчилигида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати тўла онадан

¹ Курганова Ф.А. Гражданско-правовые режимы наследования по законодательству Республики Узбекистан. Автореф. Дисс...к.ю.н. –Ташкент, 2007. -9 с.

ажралгандан сўнг бошланади. Агар чақалоқ тез вафот этадиган бўлса ҳам ҳуқуқий муносабат тугашига олиб келмайди. Умуман олганда, ҳуқуқий лаёқат шартли равишда юзага келади.¹

Деярли барча давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида ҳали туғилмаган боланинг меросхўрлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Франция ФКнинг 906-моддасида ҳали туғилмаган боланинг фойдасига ҳадя қилиниши мумкинлигини кўзда тутган, Германия фуқаролик қонунчилигида ҳали туғилмаган боланинг меросхўрлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Ҳомилага унинг келгуси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун у ҳали туғилмасидан унга васий таъинланиши мумкин. Хомиланинг отаси ёки унинг қонун бўйича таъминлаши шарт бўлган шахс ўлдирилганда, ҳомиладаги чақалоқда ўлдирган шахсдан ўзини таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Лекин бу ҳаракатларнинг барчаси ҳаётга қодир чақалоқ дунёга келгандагина юридик аҳамиятга эга. Чақалоқнинг ҳаётга қодирлик талаби кўпгина давлатлар қонунчилигида қайд этилган. Масалан, Швейцария ГКнинг 31-фаслида чақалоқ тирик туғилгандагина, чақалоқ туғилгунга қадар ҳуқуқ лаёқатига эгаллиги белгиланган. Италия ФКнинг 30-моддасига кўра эса агар чақалоқ туғилгандан сўнг 24 соат яшаган бўлса, у ҳаётга қодир деб ҳисобланади.²

Фикримизча, Италия ФКсининг 30-моддасидаги ҳолат тирик туғилган ва маълум бир муддат яшаган (бу ерда бир суткагача яшаган давр эътиборга олинмоқда) чақалоқ - инсоннинг ҳуқуқларини поймол қилиш сифатида баҳолаш мумкин. Инсон тирик туғилдими, у қанча яшашидан қатъи назар, унга инсондек муомалада бўлиш лозим. Унинг яшашга қодирлик вақтини маълум бир даврлар билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас.

Ҳуқуқ лаёқати киши, яъни ҳуқуқ субъекти вафот этиши билан тамом бўлади. Ўлган кишининг то ўлимига қадар ихтиёрида бўлган ҳуқуқ ва зиммасидаги мажбуриятларнинг бир қисми (мулкӣ, шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари) бекор бўлади, шу билан бирга, баъзи мулкӣ ҳуқуқлар ворисларга ўтади. Ўлим қатор ҳуқуқӣ оқибатлар туғдирадиган фактдир. Шунинг учун ўлим ҳам туғилиш сингари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида оила қонунчилигига мувофиқ қайд этилади.

¹ Гражданское права Японии. –М.: 1983. –43-44 б.

² Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина –М.: Международные отношения. 1983. –81 б.

Нормал тартибда гувоҳлантирилган ўлим ҳолларидан ташқари (табiiй ўлим), қонунда фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва вафот этган деб эълон қилиш институтининг ҳам мавжуд. Бедарак йўқолган деб топиш институти ҳуқуқ лаёқатининг тугашига олиб келмайди, лекин вафот этган деб эълон қилиш ҳуқуқ лаёқатининг тугашига олиб келади. Агар фуқаро кейинчалик тирик эканлиги маълум бўлиб қоладиган бўлса, унинг барча ҳуқуқлари тикланади(никоҳга бўлган ҳуқуқи бундан мустасно).

Фуқаронинг бедарак йўқолганлик факти унинг ҳуқуқ лаёқатининг тугашига олиб келмайди. Бу Наполеон қонунчилигида унинг сиёсати билан боғлиқ ҳолда ўз аксини топган. У ўз аскарлари қаерда қанча муддат бўлишларидан қатъи назар қайтиб келганларидан сўнг мулкка эгалик ҳуқуқи ва никоҳнинг сақланиб қолиш ҳуқуқи кафолатлаган.¹

Демак, юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етганларнинг ҳуқуқ лаёқати билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ лаёқати бир-биридан фарқсиз. Шу сабабли вояга етганлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқ лаёқатини бўлишга бўлган ҳаракат фикримизча, ўз-ўзидан мантиқсиздир.

Вояга етганлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг муомала лаёқати билан боғлиқ. Муомала лаёқатига эга бўлиш бу турли хил юридик ҳаракатларни шахсан амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш: шартномалар тузиш, ишончномалар бериш. шунингдек, келтирилган мулккий зарарлар, шартнома ва бошқа мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлишдир.

С.Вагацуманинг фикрича, муомала лаёқати бу – мустақил ва тўла равишда битимларни тузиш лаёқатидир².

Шундан келиб чиқиб муомала лаёқати даставвал ўз ичига битимлар тузиш лаёқатини ва зарар етакзишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлиш лаёқатини олади деб ҳисобласак бўлади.

Умуман олганда, муомала лаёқати фуқаронинг ўзидаги фуқаролик ҳуқуқларини ўзининг ҳаракатлари билан амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш қобилиятини ўз ичига олади. Ушбу ҳолат ҳақида фикр юритар экан, В.П.Грибанов фуқароларга ҳуқуқларга эга бўлиш ва ўзлари учун мажбуриятларни яратиш қобилияти қонун

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина. –М.: Международные отношения. 1983. –81 б.

² Вагацума С. Гражданское право Японии. –М.: 1983. –47 б.

чиқарувчи томонидан берилса, у ҳолда шу ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз ҳаракатлари билан амалга ошириш қобилиятини тан олмаслик мумкин эмас деб ҳисоблайди¹. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айнан шундай лаёқатни Фкнинг 22-моддаси (фуқаро ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади) фуқарога берар экан, уни жамият эътирофи этмасдан иложи йўқ.

Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати каби муомала лаёқатининг юридик табиати нуқтаи назардан фуқаронинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади².

Муомала лаёқати тушунчаси цивилист олимлар томонидан етарлича ўрганиб чиқилган. Шу сабаб ҳам уни таърифлашда турлича ёндашувлар, фикр мулоҳазалар учрайди. И.Б.Зокировнинг фикрича муомала лаёқати юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар қилиш (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва ҳоказолар) лаёқатидир³. В.П.Шахматов муомала лаёқати хусусида фикр юритганда у икки унсурни (битимлар тузиш лаёқати ва делект лаёқат) фарқлайди⁴. М.В.Кротов муомала лаёқатининг таркибий қисми сифатида битим тузиш лаёқатини эркин, мустақил равишда битим тузишга қодирлик, делект лаёқатни эса мустақил мулкӣ жавобгарлик билан изоҳлайди⁵.

Л.Г.Кузнецова ва Я.Н.Шевченколар муомала лаёқатининг мазмунига ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш лаёқати ҳамда ўз ҳаракатлари билан уларни бекор қилиш лаёқатини ҳам киритишадилар.

Шунингдек, улар муомала лаёқати мазмунини ташкил қиладиган унсурларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келадилар:

-ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқларга эғалик қилиш ва мажбуриятларни вужудга келтириш(ҳуқуққа эғалик қилиш) лаёқати;

-ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни ижро қилиш лаёқати(амалга ошириш ҳуқуқига лаёқатлилик);

¹ Грибанов В. П. Основные проблемы осуществления и защиты гражданских прав. Автореф. дисс, д-ра юрид. наук, -М.: 1970. С. 11.

² Грибанов В. П. Основные проблемы осуществления и защиты гражданских прав. Автореф. дисс, д-ра юрид. наук, -М.: 1970. С. 6., Советское гражданское право. Субъекты гражданского права / Под ред С. Н. Братуся. - М.: Юр.издат. С. 20.

³ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996.

⁴ Шахматов В.П. Составы против правных сделок и обусловленные ими последствия. -Томск, 1967. С. 63-64.

⁵ Гражданское право. Учебник. Т.1. -М.: Проспект. 2003. -113.

-ўз ҳаракатлари билан ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларни тасарруф қилиш лаёқати;

-фуқаролик ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган тақдирда жавобгар бўлиш лаёқати.¹

О.С.Иоффенинг фикрича, муомала лаёқати бу – энг аввало, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатидир. Лекин бу билан муомала лаёқатининг мазмуни чекланмайди. Муомала лаёқатининг мазмуни шунингдек, ўз ичига шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш лаёқатини ўз ичига олади. Бундан ташқари муомала лаёқатининг мазмунида шахснинг рухсат этилмаган ҳаракатларни амалга оширишлари натижасида жавобгар бўлиш лаёқатлари ҳам мавжуд. Шундай қилиб, муомала лаёқати бу – фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга мустақил равишда эгаллик қилиш, амалга ошириш ва жавобгар бўлиш лаёқатидир.²

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, муомала лаёқатининг мазмуни хусусидаги фикрлар ичида муомала лаёқатини қамраб олган таъриф О.С.Иоффе фикрларида тўла намоён бўлади дейишимиз мумкин.

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир (ФКнинг 22-моддаси).

Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шарти шундан иборатки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар. Маълумки, янги туғилган бола тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам, ўз ҳаракатлари билан биронта ҳуқуқ ва мажбурият олмайди. Онгли ҳаракатлар қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади, шу пайтдан фуқаролик муомала лаёқати вужудга келади. Ақли норасоликнинг руҳий бузилиши моҳиятининг бош мияда акс этишини, мия фаолиятини бузилиши сифатида тушуниш мумкин. Руҳий касалликда объектив реал борлиқни хаста ўзгарувчан акс этиши киши содир этадиган ҳаракатини баҳолаш ва бошқаришдан маҳрум этади. Ақли норасолик юридик ва тиббий мезонларга эга. Юридик мезон қонунда ўз ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги)ни жамиятга хавфини ва далилий тавсифини хис эта олмаслик ёки уларни бошқара олмаслик сифа-

¹ Кузнецова Л.Г. Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положения несовершеннолетних. М.: Юридическая литература. 1968. -17 б.

² Иоффе О.С. Советское гражданское право. Курс лекций. –Л.: ЛГУ. 1958. С 82.

тида шаклланади, у интеллектуал ва иродавий белгиларга эга. Шахсни ақли норасо деб топиш асоси тиббий мезонга боғлиқ. У сурункали рухий касаллик, рухий ҳолатни вақтинча ўзгариши, ақли заифлик ва бошқа турдаги рухий бузилишлардан иборат ¹.

Демак, шахсдаги рухий бузилиш уни муомала лаёқатидан маҳрум этади. Бунинг учун тиббий ва юридик мезонлар бир-бирига тўғри келиши шарт.

ФКнинг 30-моддасида фуқаронинг муомалага лаёқатсиздеб топиш асослари келтирилган, лекин унда рухий жараённинг вақтинчалик бузилиш эътиборга олинмаган. Фикримизча, мавсумий ёки вақтинчалик рухий бузилишлар шахсни тўлиқ маънода муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асос бўлади. Чунки ҳар қандай рухий касалликни кечиши, белгилари ҳар хил бўлиб, киши шахсиятининг чуқур ва турғун ўзгаришига олиб келадиган рухий касалликларни ўз ичига олади. Ақли заифликни рухий фаолиятни ҳар томонлама чуқур заифлашувига олиб келадиган ҳолатлар бирлаштиради.

Вояга етмаганлик бир пайтнинг ўзида рухий етилмаган ҳисобланади. Рухий етилмаганлик ишонувчанлик, мойиллик, мақсадга мувофиқ қарор қабул қила олмаслик, ақлий сустлик, иродасизлик, муайян йўналишнинг етилмаганлиги, ўзини ахлоқан бошқаришнинг қийинлигини ўз ичига олади. 18 ёшда болада бу омиллар “пишиб етилади”.

Муомала лаёқатини тартибга солувчи “ҳимоя рефлекс” ғоясига асосланган ҳуқуқий дастак шу қадар кучлики, бунда инсофли бизнес муомаласининг манфаатлари ҳам иккинчи ўринга сурилиб кетади. Сиртдан қаралганда ҳўжалик муомаласи манфаатларига етарли жавоб бермаса-да, муомала лаёқатининг вужудга келишини объектив Критерийси сифатида маълум бир ёшга тўлиш шарти қабул қилинган бўлиб, ўз-ўзидан маълумки, бунда вояга етган шахснинг мустақил тарзда ақл ва фаросат билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда халқаро бизнес алоқаларида иштирок эта олиш қобилятини мавжудлиги инобатга олинмайди ².

60-йиллар ўртасида кўпчилик давлатларда вояга етганлик ёшини 21 ёшдан 18 ёшга туширилиши тўғрисида қонун қабул қилинган. Германияда вояга етган деб 18 ёшнинг охириги куни тугагандан сўнг ҳисобланади. Швейцарияда 20 ёш, Англияда 18 ёшнинг 1-кунидан

¹ Шамсиев Э.С. Искандаров А.И. Зуфаров Р.А. Талимбеков В.К. Суд тиббий фанлари. –Т.: ТДЮИ 2004. –254-255 б.

² Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. -36 б.

шахс вояга етган ҳисобланади. АҚШда штатларга қараб, 18 ёшдан 21 ёшгача вояга етганлик белгиланади,¹ Японияда бу ёш 20 ёш², Францияда 21 ёш³, Австрияда 19 ёш⁴ қилиб белгиланган. Яна эътиборлиси шуки, Ислонда тўла муомала лаёқатини белгилаш ва аниқлашда ўзига хос ёндошув мавжуд. Бу ҳуқуқ тизимига кўра, тўла муомала лаёқатини белгилашда жинс ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, эр-каклар учун 15 ёш, қизлар учун 12 ёш қилиб белгиланган⁵.

Шу билан бирга айрим давлатларда вояга етмаган шахслар учун чекланган муомала лаёқатининг пайдо бўлиш чегаралари белгиланган. Масалан, Германия ва Австрияда 7 ёш, Грецияда 10 ёш ушбу чегара ёши ҳисобланади⁶.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Мамлакатимиз қонунчилигидаги тўлиқ муомала лаёқати ёшини белгилашда мўътадил ёшни белгилаганлиги эътиборга молик. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, мулкӣ муносабатларда тўла қатнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий ҳуқуқлар билан бирга бошқа фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Т.Умаровнинг фикрича, вояга етмаган шахснинг муомала лаёқатини белгилашда фақат ёш критерийсининг ўзи етарли эмас⁷.

Қонун вояга етиш ёшини белгилаш билан бир қаторда, вояга етгунга қадар қонунӣ асосда никоҳдан ўтган фуқаро шу вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиши белгилайди (ФКнинг 22-моддаси).

Вояга етган фуқаролар тенг даражада муомалага лаёқатли ҳисобланадилар. Фуқароларнинг муомала лаёқати фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас (ФКнинг 23-моддаси).

Тўла муомала лаёқати, юқорида кўрсатилганидек, ўн саккиз ёшга етган фуқароларга берилгани сабабли, бу ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқӣ ҳолатини белгилашда улар иккига бўлиниб, яъни ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина. –М.: Международные отношения. 1983. –85 б.

² С.Вагацума, Т.Ариидзуми. Гражданское право Японии. –М.: Прогресс.1983. –50 б.

³ Французский Гражданский кодекс. –М.: изд-во. НКЮ СССР. 1941. –118 б.

⁴ Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқӣ ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. –36 б.

⁵ Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). –Т.: Чўлпон. 1994. –335 б.

⁶ Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқӣ ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. –Б. 36-37.

⁷ Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқӣ ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. –37 б.

бўлган вояга етмаган шахслар муомала лаёқати ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Амалдаги қонунчилик фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқароларнинг муомала лаёқатини уч гуруҳга ажратади:

-тўлиқ муомалага лаёқатлилиқ (одатда 18 ёшдан бошланади ва то вафот этгунга қадар давом этади);

-қисман муомалага лаёқатлилиқ (14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар);

-тўлиқ муомалага лаёқатсизлиқ (6 ёшдан 14 ёшга бўлган болалар ва белгиланган тартибда руҳий касал ва ақли заиф деб топилган шахслар).

ФКнинг 29-моддасида 6-14-ёшдаги болаларнинг муомала лаёқатига нисбатан “тўлиқ муомалага лаёқатсизлиқ” ибораси қўлланилмайди. Бу ибора назарий тушунча ҳисобланади.

Юқоридаги туркумланиш турли давлатларда турлича кўринишда мавжуд.

Туркменистан Республикасининг Гражданлик кодекси 23-моддаси 3-қисмида олти ёшгача бўлганлар муомалага лаёқатсиз ҳисобланиши белгиланган. Шунингдек, 25-моддада етти ёшдан ўн саккиз ёшгача чекланган муомала лаёқатига эгалик белгиланган¹. Бундай норма республикамиз қонунчилигида учрамайди.

Молдова Республикаси Гражданлик кодексининг 20-21-моддаларида худди республикамиз ФКсига ўхшаб туркумланган. Фақатгина уларда 6-14 ёшлиларнинг муомала лаёқати эмас, 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати назарда тутилган².

Арманистон Республикаси Гражданлик кодексида белгиланган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан умуман фарқ қилмайди.

Илмий адабиётларда ҳам туркумланиш билан боғлиқ масалалар турлича талқин қилинган.

И.Б.Зокиров, Х.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов ва М.Баратовлар томонидан вояга етмаганларнинг муомала лаёқатининг туркумланиши ФК доирасида амалга оширилган⁴.

Л.Г.Кузнецова ва Я.Н.Шевченколар фуқароларнинг муомала лаёқатини қуйидаги гуруҳларга бўлишни таклиф этадилар:

¹ <http://www.tax.gov.tm>

² Официал ал Р. Молдова № 82-86/661 от 22.06.2002. № 1107-XV от 06.06.2002

³ <http://grants.rinti.ru>

⁴ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2006., Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997, И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. –Т.: ТДЮИ, 2003.

-тўлиқ муомала лаёқатига эга шахслар;
-бевосита муомала лаёқатлилар (15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар¹);

-чекланган муомала лаёқатига эга шахслар (спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларининг суистеъмол қилиш натижасида оиласини молиявий жиҳатдан оғир ахволга солиб қўйган ва суд тартибида муомала лаёқати чекланганлар);

-қисман муомалага лаёқатлилар (15 ёшга тўлмаган ёш болалар²);

-тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахслар (суд томонидан руҳий касал ва ақли заиф деб топилган шахслар).³

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрлари ўринли. Зеро, қонунчилик муомала лаёқатининг таркибий қисми ҳисобланган мустақил равишда битимлар тузиш лаёқатига 6 ёшдан эга бўлишлари мумкинлигини эътироф этаса-да (ФКнинг 29-моддасига мувофиқ олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар майда маиший битимлар, текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал гувоҳлантириш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар, қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни амалга оширишга ҳақлидирлар), аммо қонунчилик уларни тўлиқ муомалага лаёқатсизлар қаторига киритиб қўяди. “Тўлиқ” ибораси одатда “умуман” ибораси билан бирга келади ва тўла равишда 14 ёшгача бўлган болаларга битим тузишда тақик белгисини қўяди. Лекин бу тақик “мутлоқ” мазмунга эга эмас. Гарчи улар делафт лаёқатга эга бўлмасаларда, аммо муомала лаёқатининг қонунда белгиланган тартибда иккинчи таркибий қисми бўлган битим тузиш лаёқатига эга бўладилар⁴.

Бундан ташқари, ФКнинг 29-моддаси талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг муомала лаёқати хусусида гап кетганда олти ёшгача бўлган болалар гўё “унутилади” ва ўз-ўзидан

¹ Муаллифлар ушбу китобни 1968 йилда ёзганлигини ва ушбу даврда амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги қисман муомала лаёқатини бошланиш ёшини 14 ёш эмас 15 ёш қилиб белгиланганликларини эътиборга оладиган бўлсак, улар қисман муомала лаёқатини бевосита муомала лаёқати этиб белгилаётганликларини гувоҳи бўламиз.

² Муаллифлар бу ҳолатда қисан муомала лаёқати иборасини қўллашга, уларнинг айрим битимлар тузишга лаёқатли эканликларини асос қилиб кўрсатадилар.

³ Кузнецова Л.Г. Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положения несовершеннолетних. М.: Юридическая литература. 1968. –15-16 б.

⁴ Серебровский В. И. Очерки советского наследственного права. –М.: 1953. С. 98—99., Комментарий части первой Гражданского кодекса Российской Федерации для предпринимателей. –М.: С. 60., Антимонов Б. С., Граве К. А. Советское наследственное право. –М.: 1955. С. 148—149. Барщевский М. Ю. Наследственное право. –М.: 1996. С. 66., Мозжухина З. И. Наследование по завещанию в СССР. –М.: 1955. С. 24. Чепига Т. Д. К вопросу о праве завещать // Вестник МГУ. Серия «Право». 1965. № 2. С. 48.,

уларнинг муомала лаёқати масаласи “очиқ” қолади. Олти ёшгача бўлган болаларнинг ҳуқуқий мақоми айрим давлат қонунчилигида ўзига хос тарздаги талқинда учрайди. Масалан, Германия (Германия ФТнинг 105-параграфи) ва Австрияда (Австрия ФТнинг 165-параграфи) етти ёшгача бўлган болалар чекланган муомала лаёқатига эгадир. Айрим давлатларда, жумладан, Грецияда чекланган муомала лаёқати 10 ёшни ташкил этади (Греция ФКнинг -128-моддаси)¹.

Шу ўринда 4-5 ёшли болалар битимлар тузишга ҳақлими ёки йўқми?-деган савол туғилиши мумкин.

Фикримизча, қонун ушбу масалага ҳам ойдинлик киритиши лозим. Масалан, сайр қилиб юрган оила ўзларининг 3-5 ёшга тўлган болаларининг қўлига пул бериб, 5-10 метр узоқликдаги музқаймоқ, шоколад, писта ва бошқаларни сотиб олиб келишни буюрсалар, улар харид қилган маҳсулот билан боғлиқ савдо муносабати қандай фуқаролик-ҳуқуқий мазмунга эга бўлади - деган ўринли савол туғилади.

Бунинг фикримизча, қонунда улар ҳам алоҳида муомала лаёқати билан боғлиқ норма киритиш ёки ФКнинг 29-моддасидаги “олти ёшдан ўн тўрт ёшгача” ибораси “ўн тўрт ёшгача” деган ибора билан алмаштирилиши лозим бўлади.

Фикримизча, энг мақбул йўл юқорида кўрсатилган иккинчи йўл, шу сабаб ФКнинг 29-моддаси 2-қисми қуйидаги тарзда таҳрир қилиниши мақсадга мувофиқ:

“ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

1) майда маиший битимлар;

2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал гувоҳлантириш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни”.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун битимларни уларнинг номидан ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузадилар.

Бировга етказилган зарарлари учун ҳам кичик ёшдаги болалар жавобгар бўлмайдилар. Улар учун ота-оналари ёки бошқа назоратчилари жавобгардир. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг банкларга омонат қўйиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланади.

¹ Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. –Т.: Ижод дунёси, 2003. -36-37 б.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар (ўсмирлар) қисман муомалага лаёқатли бўлиб, қонуний вакиллари (оталари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийлари)нинг розилиги бўлган тақдирда, ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишлари мумкин.

В.С.Филатовнинг фикрича, психология нуқтаи назаридан 15 ёш ўсмирлик сифатида тавсифланади. Ривожланиш ва маълум ҳаёт билимларига эга бўлиш билан ўсмирлар бу ёшда деярли катталар билан тенг бўлиб қоладилар. У шу даврдан атрофдагиларнинг ҳаракатларини англай бошлайди ва унда ахлоқ, ғоя, ирода, характер шаклланади. Бунда унинг ахлоқ тамойилларини билиш муҳимдир¹.

Ўсмирлар битимларни ота-оталари, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларининг розилиги билан тузадилар. Аммо улар мустақил равишда ўзларининг иш ҳақлари ёки стипендияларини тасарруф қилишга, ўз асарлари, ихтироларига бўлган муаллифлик ҳамда ихтирочилик ҳуқуқларини, ўз кашфиётларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга, кредит муассасаларига маблағлар қўйиш ва уларни тасарруф этишга, шунингдек, майда маиший битимларни тузишга ҳақлидирлар. Улар 16 ёшдан кооперативларга аъзо бўлиб киришлари мумкин.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қонуний вакиллари ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига кўра ўсмирнинг ўз иш ҳақи ёки стипендиясини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклаши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин (ФКнинг 27-моддаси 8-банди).

Ўсмирлар бошқа шахсларга етказилган зарарлари учун ФК билан белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Фуқаролик ҳуқуқ назариясида тўлиқ муомалага лаёқатсизлик таркибига ёш болалар (14 ёшга тўлмаган) ва ақли норасо шахслар киритилган. Фикримизча, бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш лозим. Зеро 6-14 ёшли вояга етмаган шахслар муайян битимлар тузиш лаёқати мавжуд экан, уларда муайян бир муомала лаёқатлилики белгиси мавжуд деб ҳисобланади. шу сабабли уларга нисбатан тўлиқ муомалага лаёқатсизлик иборасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабаб ҳам ФКда муомала лаёқатини бўлишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб нормалаштириш мақсадга мувофиқ:

¹ Филатов В.С. Психология характера в свете павловского учения, «Учения И.П.Павлова и философские вопросы психологии». –М.: АН СССР, 1952. -С. 429.

- тўлиқ муомалага лаёқатлилиқ - ақли расо 18 ёшга тўлган фуқаролар;
- бевосита муомала лаёқатлилиқ - 14-18 ёшли фуқаролар;
- чекланган муомала лаёқатлилиқ – ФКнинг 31-моддасида назарда тутилган ҳолатлар;
- қисман муомала лаёқатлилиқ – 6-14 ёшли вояга етмаганлар;
- тўлиқ муомала лаёқатсизлилиқ – 6 ёшга тўлмаган болалар ва ақли норасо шахслар.

Ушбу ҳолатда ФКга 29¹-модда киритилиши ва у “тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахслар” деб номланиши ва қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“29¹-модда. Тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахслар.

Ақли норасо ва олти ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга ҳисобланмайдилар. Улар номидан қонуний вакиллари, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳаракат қиладилар.

Тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан тузилган ҳар қандай битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади”.

Амалдаги қонунчиликка асосан онгли ҳаракатлар қилиш ва ўз ҳаракатларининг юридик оқибатларини ҳисобга олиш лаёқати (муомала лаёқати)га, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли эга бўлмаган фуқаро - муомала лаёқатига эга эмас деб танилиши мумкин. Ҳар қандай руҳий касаллик ёки ақли заифлик фуқарони онгли ҳаракатлар қилиш ва фуқаролик муомаласида қатнашиш лаёқатидан маҳрум қилмайди. Руҳий ҳолат бузилиши фактининг ўзигина кишини муомалага лаёқатсиз деб топишга асос бўлмайди. Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин, шу муносабат билан унга нисбатан васийлик белгиланади (ФКнинг 30-моддаси).

Руҳий касал ёки ақли заиф кишини суд томонидан тайинланган психиатр(руҳшунос)ларнинг иштироки билан бўладиган махсус комиссия томонидан кўриб текшириш ва унинг натижалари ҳақида далолатнома тузиш суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни васийлари тузадилар.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва белгиланган васийликни бекор қилади (ФКнинг 30-моддаси).

Қонун баъзи ҳолларда вояга етган фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳолларини назарда тутаяди, чунончи, ФКнинг 31-моддасида кўрсатилишича, спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомалага лаёқати ФПКда белгиланган тартибда суд томонидан чеклаб қўйлиши мумкин. Лекин, буларни у майда маиший битимларни истисно қилганда, битимларни ҳомийнинг розилигисиз тасарруф эта олмайди.

Агар фуқаро спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқати чекланганлигини бекор қилади. Суд қарорига асосан унга нисбатан белгиланган ҳомийлик ҳам бекор қилинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Конвенциясининг 1-моддасида 18 ёшдан бошлаб шахслар вояга етган деб ҳисобланиши нормаланган.

Одатда “вояга етганлик” ибораси билан “муомалага лаёқатлилик” ибораси бирга бир тушунча каби ишлатилади. Яъни “вояга етмаганлар ўз-ўзидан муомалага лаёқатсиз шахслар ҳисобланади”¹ қоида-си мавжуд. Лекин фикримизча, бир ҳолат назардан четда қолган, у ҳам бўлса, айрим ҳолларда, масалан эмансипация ҳолатларида ва никоҳ муносабатларига киришаётган, лекин никоҳга киришиш вақтида тўлиқ муомалага лаёқатлилик ёшига етмаган (18 ёш) ҳолларда, уларга нисбатан “тўлиқ муомалага лаёқатлилик” ибораси қўлланилади. Лекин ҳали улар гарчи муомалага лаёқатли ҳисоблансалар ҳам вояга етмаганликларича қолаверадилар. Бу ҳолат 14 ёшгача бўлган болалар билан боғлиқ ҳолатларда муаммони келтириб чиқармайди. Фикримизча, “вояга етмаганлик” факти физиологик фактор бўлса, “муомалага лаёқатлилик” факти соф юридик фактор ҳисобланади. Вояга етиш муайян биологик ҳодиса бўлиб, унда инсон организми ҳам жисмонан ҳам руҳан “камол” топади (агар эътибор берадиган бўлсангиз бу тарифда “ақлий камол” назарда тутилмаяпти. Ақлий камол вояга етгандан сўнг ҳам инсонда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, руҳий касал ва ақли заиф инсонларда ёки акси айрим ёш болалар ҳатто шахмат ўйинларида катта ёшдагиларни мот қилишларини кўп кузатиш мумкин Н.А.). Муомалага лаёқатлилик ўз ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатини англаш орқали юз беради.

¹14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қисман муомалага лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан «қисман» ибораси қўлланилган, лекин у «тўлиқ» муомала лаёқатли» тушунчасини бермайди, қисман» ибораси «тўлиқсиз» ибораси билан синонимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муомала лаёқати билан вояга етиш айний тушунчалар эмас, улар бир-бирини тўлдирмайдилар ҳам. Уларни бирга ишлатиш, фикримизча, муомала лаёқати тушунчаси мазмун моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, юқоридаги модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

4) ФК 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкӣ жавобгар бўладилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ФКга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ФКнинг 22-моддаси иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Вояга етмаганлар гарчи муомала ёшига етмаса-да айрим қонунда белгиланган ҳолларда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўладилар. Айнан шу қонунда белгиланган ҳоллар ФКнинг 22-моддасида белги-

ланган никоҳга киришиш муносабати(оила қонунчилигида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган) ва ФКнинг 28-моддасида белгиланган эмансипация ҳолати ҳисобланади.

ФКнинг 22-моддасига мувофиқ, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Никоҳ ёши миллий қонунчилигимизда яъни Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида эркаклар учун-18 ёш, аёллар учун 17 ёш ҳисобланади.

Никоҳ ёши турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан, Болгарияда ҳар икки жинс вакилларига ҳам-18 ёш, Англияда-16 ёш, Франция ва Венгрияда эркаклар учун-18 ёш, аёллар учун-16 ёш, Польшада-21 ва 18 ёш, Японияда 18 ва 16 ёш, Грузияда 17 ва 16 ёш, Украина ва Туркменистонда 18 ва 17 ёш, АҚШнинг турли штатларида никоҳ ёши 16 дан 21 ёшгача қилиб белгиланган¹).

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан, вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган за-

¹ Богуславский М. Международное частное право.-М.: Юр.лит., 1994.

рар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Эмансипация лотинча «*emancipatio*» сўзидан олинган бўлиб, «қарамликдан ёки камситилишдан озод қилиш, мустақиллик ва тенг қуқуқлилиқ олиш» деган маънони билдиради.

Эмансипация атамаси фанга кириб келиши Людвик VI номи билан боғланади. Ушбу атама дастлабки тушунчаси ҳозирги кундаги тушунчадан фарқланади. Эмансипация дастлаб яхудийларнинг ҳуқуқларини яхшилаш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар билан боғланади¹.

Рим хусусий ҳуқуқида эмансипация тушунчаси оила ҳуқуқий тушунча ҳисобланиб, у “бўшатиш, озод этиш” тушунчаларини ифодалаган. Озодликка чиққан бирор ўғил ўз отасига ёки бошқа отага қайтиб келса уни қайтариб олиш “*mansipasio*” деб номланган².

Е.А.Сухановнинг фикрича, агар вояга етмаган шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни 14 ёшдан бошласа, эмансипация ҳолати қўлланиши лозим³. Фикримизча, қонун вояга етмаганнынг 16 ёшдан меҳнат ва тадбиркорлик муносабатига киришишига нисбатан эмансипация қўллашни тўғри ҳал қилган. Тадбиркорлик ва меҳнат шахсга катта бир масъулият юклайди. Агар 14 ёшдан эмансипация қўллайдиган бўлсак, бу ёшда болада ҳали масъулият ҳисси у даражада юқори бўлмайди ва оқибатда, салбий кўриниш касб этиш эҳтимоли юқори.

А.Одинаевнинг фикрича, эмансипация ҳолатига олимлар томонидан билдирилган барча фикрлар бир-бирини маълум маънода такрорлаб туради ва уларнинг умумий маъноси битта мезонни англатади⁴.

Фикримизча, ФКнинг 28-моддасида белгиланган ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкинлиги ҳақидаги норма муайян баҳс-мунозараларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, бу ерда икки бир-бирига зид ҳолатлар мавжуд. Жумладан, аввал эмансипация ҳолати қўлланиладими ёки тадбиркор сифа-

¹ www.dhm.de/lemo/html/emansipasio/index.html.

² Шомухаммедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. –Т.: Консаудитинформ. 2002. -63 б.

³ Гражданское право. В 2 т.Том 1.Учебник./Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК.

⁴ Одинаев А. Эмансипация: уни қўллаш масалалари. –Т.: ТДЮИ, 2006. -17 б.

тида рўйхатдан ўтгандан сўнг қўлланиладими? – деган саволлар туғилиши мумкин.

ФКнинг 24-моддасида белгиланган фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги нормада фуқаро неча ёшдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 25 май 2000 йилги Ўзбекистон Республикаси қонунда ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ёши хусусида норма мавжуд эмас¹.

Якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги норматив ҳужжатларда ҳам (Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 август 2003 йилги 357-сон Қарори²) ва Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 май 2006 йилдаги ПК-357-сон қарори³)да ёш борасида фикр мавжуд эмас. Ушбу нормаларда якка тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризага

-3х4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;

-рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

-уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари (якка тадбиркор хоҳишига кўра);

-паспорт нусхаси илова қилиниши назарда тутилган.

Бу ерда ёш билан боғлиқ ҳужжат паспорт бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг 42-моддаси ва Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизими тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низомга асосан 16 ёшдан паспорт олиниши назарда тутилган. Лекин паспорт вояга етганлик билан боғлиқ эмас. Шу сабабли ушбу тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни тартибга солувчи низомларда ҳам “ёш масаласи очиқ қолган” деган хулосага келинади.

Тадбиркорлик фаолияти фуқароларнинг битим тузиш лаёқати ва делект лаёқати билан боғлиқлиги, унда оқибатига жавоб бериш, ҳаракатнинг ҳуқуқий аҳамиятини англаш, мустақил юридик ҳаракатлар қилиш белгилари мавжудлиги тўлиқ муомала лаёқати билан фао-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000. 5-6-сон, 140-модда

² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003, 15-16-сон, 130-модда.

³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006, 20-21-сон, 174-модда.

лиятни амалга ошириш мумкин деган хулосани келтириб чиқаради. Демак, фикримизча, якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган шахсга аввал эмансипация ҳолати қўлланилиб, сўнг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти берилиши мумкин. Аксинча бўладиган бўлса муомалага лаёқатлилиқ белгисининг мантиқий аҳамияти пасайиши мумкин. Шу сабабли ФКнинг 28-моддасига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида ваколатли давлат органларига ариза берган тақдирда муомала лаёқати берилиши масаласи кўтарилиши, агар у муомалага лаёқатли деб топилсагина якка тадбиркор мақоми берилиши ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқ.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига асосан, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун - улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

Мазкур қонун ва Меҳнат кодексининг 77-моддаси ҳам эмансипация ҳолати билан боғлиқ масаланинг баҳс талаб бўлишига олиб келган. Меҳнат кодексида белгиланишича, ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Мазкур нормалардаги “15 ёшга тўлган шахс” ибораси эмансипация ҳолати қўлланилиш ёшидан бир йил фарқ қиладиган ёшни назарда тутди. Меҳнат шартномаси тузиш муомала лаёқати билан боғлиқ-

лиги бу ҳолатда 15 ёшли вояга етмаган шахсга ҳам эмансипация қўлланилиши лозимлигини билдиради.

Бундан ташқари, меҳнат шартномаси МКнинг 75-моддасига асосан номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Бу ҳолатда вояга етмаган шахс меҳнат муносабатига киришса ва унинг меҳнат шартномаси вояга етгунгача бекор қилинса, унинг муомала лаёқати сақланиб қолиши ҳақида ФКда бирор бир ҳолат назарда тутилмаган. ФКнинг 22-моддасида никоҳ бекор қилинса муомала лаёқати сақланиб қолиши ҳақидагина норма бор холос.

МКнинг 246-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар (МКнинг 247-моддаси).

Фикримизча, ушбу юқоридаги баҳсли масалалар ФКнинг 28-моддасида ўз ечимини топиши лозим ва у қуйидагича таҳрирда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

“Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса, тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Вояга етгунга қадар қонуний асосда меҳнат шартномасини тузган фуқаро шартнома тузилган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Меҳнат шартномасини тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаб ваколатли органларга ариза берса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Агар вояга етмаган шахс муомалага лаёқатли деб топилса, ваколатли давлат органлари унга якка тадбиркор мақомини бериши мум-

кин. Якка тадбиркор сифатида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб якка тадбиркорлик мақоми бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Айнан бу каби нормалар миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг тўла муомала лаёқатига эга бўлиш имкониятларини янада кенгайтирган. И.Зокиров ва М.Боротовларнинг таъкидлашларича, қонунчилик фуқароларга, шу жумладан, вояга етмаганларга бир пайтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ беради (ўз ҳаракатлари билан имкониятларини юзага чиқартиради), ҳам бурч-мажбурият юклайди (айрим ҳаракатларни содир этишдан сақланиш каби)¹.

ФКнинг 28-моддасига киритилган эмансипация ҳолати вояга етмаган шахснинг меҳнат шартномаси тузиш орқали меҳнат муносабатларига киришишини талаб қилади. Чунки амалдаги меҳнат қонунчилигига² кўра, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабат меҳнат шартномасидан юзага келади. У тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилайди. Ушбу шартнома ходим-вояга етмаган шахсга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди.

Ушбу шартнома орқали вояга етмаган шахс тўлиқ муомалага лаёқатли ҳисобланади:

-биринчидан, топган даромадларини ўзи тасарруф қилиш имкониятига эга бўлади;

-иккинчидан, айтилган вақтда етказган зарари учун ўзи жавобгар бўлади(делект лаёқат).

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига кўра ((“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 7-банди т-қисми) иккала ота-онанинг, фарзандликка олганларнинг ёки ҳомийнинг ро-

¹ Зокиров И.Б., Баратов М.Х. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари тупламида. -Т.: Ўзбекистон. 2000-115 б.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1996 йил, 1-сонга илова.-моддаси.

зилиги билан ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суд қарори билан амалга оширилади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига асосан ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган тақдирда (эмансипация), у ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятларни бажариши мумкин¹.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкин(ФПКнинг 38-моддаси).

Фуқаролар ўн саккиз ёшга тўлгач, ўн саккиз ёшга тўлмасдан никоҳ тузганлар, эмансипация қилинганлар ёки ишга кирганлар эса қонунда назарда тутилган ҳолларда - тегишли равишда никоҳ тузган, эмансипация қилинган ёхуд ишга кирган вақтидан бошлаб муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Уй-жой кодексининг 39-моддаси).

Эмансипация ҳолатининг қўлланилиши Оила кодексининг 190-моддасига асосан ҳомийликнинг тугашига асос бўлади.

Р.Маткурбанов фуқароларнинг ҳуқуқ субъектчилигини тадқиқ этар экан, фуқароларда дастлаб манфаат, кейин эса навбат билан эркирода, зарурият ва ҳаракатнинг ифодаси уларнинг ҳуқуқ субъектчилигининг зарурий белгиси эканлигини таъкидлайди². Р.Маткурбановнинг ушбу фикри вояга етган фуқароларга хосдир. Лекин вояга етмаганларда бундай тартибда жойлаштирган ҳолда ҳуқуқ субъектчилигини ифодалаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки вояга етмаган шахс ўз манфаатини англаб олиши қийин. Сабаби ҳали унда онг манфаатни ифодалаш даражасида шаклланмаган бўлади. уларда энг аввало зарурият мавжуд. Чунки туғилган чақалоқнинг йиғлаши муайян зарурият (қорнининг очлиги, бирор жойининг оғриши ва бошқалар) туфайлидир. Бундай болалар ҳали ўз манфаатини англаб етмаган ва табиий инстинг ва рефлекс натижасида ўз заруриятини катталарга айнан йиғи орқали (гапириш имконияти бўлмаганлиги туфайли) билдиради. Аста-секин улар ўз манфаатларини (зарурият) англаб ета бошлайди-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 169-модда.

² Маткурбанов Р. Право субъектность как правовая категория в гражданском праве// Ўзбекистон Республикаси Олий суд Ахборотномаси. 2007. №3. –Б. 38-40.

лар. Ўз нарсасини қизғониш, бирор ширинликка талпиниш, кийим танлаш кабилар заруриятнинг ифодаланиши сифатида баҳоланиши мумкин. Бу эса уларда эрк-ироданинг муайян белгилари шаклланаётганлигидан далолат беради. Демак, вояга етганлардан фарқли равишда вояга етмаганларда эрк-ирода учинчи даражалидир. Шундан сўнггина улар муайян ҳаракат орқали ўз хохишларини қондиришга ҳаракат қиладилар (муомала лаёқати). Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ субъектчилигини характерлайдиган ҳолатлар қуйидагича белгиланади:

- биринчи, зарурият;
- иккинчи, манфаат;
- учинчи, эрк-ирода;
- тўртинчи, ҳаракат.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ субъектчилиги (ҳуқуқий лаёқати) махсус характерга эга эканлиги намоён бўлади. Бу “махсус субъектчилик” ундаги эрк-ирода, манфаат, зарурият ва ҳаракатларнинг қай даражада амал қилишига боғлиқ бўлади.

3. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда вояга етмаганлар иштироки

Вояга етмаганлар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатида ушбу муносабатда тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этади. Фақат уларнинг иштироки ҳам бевосита ҳам билвосита кўринишга эга. Бу уларнинг ўз ҳаракатларининг оқибатини англаш даражаси, эркин ҳаракат, идрок, ўзгалар ёрдамига таяниш каби ҳолатлар даражасига боғлиқ. Шу сабабли вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатдаги иштирокини шартли равишда учга бўлиб ўрганиш лозим бўлади:

Биринчиси, вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида шахсан иштирок этиши;

Иккинчиси, вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида қонуний вакиллари ва васийлари орқали иштирок этиши;

Учинчиси вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида ҳомийлар кузатуви остида ҳаракат қилиши.

Дастлабки вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида шахсан иштирок этиши бевосита иштирок этиш бўлса, қолган иккиси билвосита иштирок этиш ҳисобланади.

Лекин бу ерда вояга етмаганларнинг шахсан иштирок этиши ҳам “соф иштирок” тушунчасига тўғри келмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу шахсан иштирок замирида маълум даражада ўзга шахсларнинг таъсир доираси сезилиб туради. Масалан, 6-14 ёшлилар гарчи ФКнинг 29-моддаси 2-қисмидаги битимларни мустақил тузишлари учун “розилик” институти таъсири хоилик мавжуд эмас. Шунингдек, етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсларнинг шахсан фуқаролик муомаласида иштирок этиши унинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятидир. Баъзи муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат қатнашчиларнинг ўз субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ амалга оширадиган ўзаро ҳаракатлари ташкил этади, субъектив ҳуқуқлар ва бурчлар эса ҳуқуқий муносабатнинг ҳуқуқий шаклидир деб ҳисоблайдилар¹.

Субъектив ҳуқуқлар объектив ҳуқуқ нормалари, яъни давлат томонидан белгиланган умумий қоидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ равишда амалга оширилади². Вояга етмаган шахсларнинг (фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари каби) ҳуқуқлари одатда объектив ҳуқуқдан келиб чиқади. Ушбу ҳуқуққа нисбатан “субъектив” сўзи қўлланилишининг асосий сабаби, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ушбу ҳуқуқнинг соҳиби бўлиш ҳамда уни амалга оширишдаги хоҳиш-иродасининг бирлашиши аҳамиятга эгалигидир. Чунки субъектив ҳуқуқ эгаси ўзининг ҳуқуқларини ўз хоҳишига кўра амалга ошириши ёки умуман амалга оширмаслиги ёхуд ушбу ҳуқуқлардан воз кечиши мумкин. Субъектив ҳуқуқ эгаси қонун билан йўл қўйилган доираларда ўз хоҳиши ва ихтиёри билан ҳаракат қилиш лозим. Масалан, мулкдорнинг (унинг вояга етган-етмаганлиги аҳамиятсиз) субъектив ҳуқуқи, бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, у субъектив ҳуқуқ эгаси сифатида ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан талаб қила олади. Субъектив ҳуқуқлар ўз ҳаракатларига кўра мулкӣ ёхуд шахсий номулки бўлиши мумкин.

¹ Гражданское право. Учебник. Ч.1. под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1996. -78-79 б.

² Р.О.Халфина. Общее учение о правоотношении. -М.: Юридическая литература. 1974. -134-140 б.

Субъектив мажбурият ҳуқуқий тартибнинг талаби бўйича уни ўз зиммасига олган шахс маълум ҳаракатларни қилиш ёки ҳаракатларни қилишдан сақланиш мажбуриятидир.

Субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ягона ҳуқуқий муносабатнинг элементи бўлиб, ўзаро боғлангандир. Бировда субъектив ҳуқуқнинг бўлиши, бошқа бировда албатта, бу ҳуқуққа яраша мажбурият бўлишини билдиради ва аксинча. Масалан, вояга етмаган шахс ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида кимларгадир мажбурият юклайди ёки аксинча, у бевосита ўзи ёки вакиллари орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ўзига масъулият олади.

Фуқаролик муомаласида иштирок этиши турли битимларни тузиш орқали намоён бўлар экан, вояга етмаганларнинг айнан шундай лаёқати ФКнинг 27, 29-моддаларида назарда тутилган. Фақат уларнинг ёши ва лаёқат даражаси иштирок хусусиятини фарқланишига сабаб бўлган.

ФКнинг 29-моддаси 2-қисмига кўра олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар майда маиший битимлар, текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар ва қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан, ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийи, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкӣ жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

Юқоридаги модда талаблари 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ўзлари мустақил айрим юридик хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади. Лекин «мустақил» ибораси бу ерда «соф мустақил» тарзда эмас, аксинча «қонуний вакиллари розилиги асосида мустақил ҳаракат» тушунчасига яқинроқ. Демак, 14 ёшгача бўлганларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдаги муомала лаёқати икки унсурни ўз ичига олади:

-биринчиси, қонунда белгиланган ҳуқуқларни мустақил тарзда амалга ошириш имконияти;

-иккинчиси, қонуний вакил розилигининг талаб қилиниши;

Фикримизча, қонун 14 ёшгача бўлганларга тўлиқ мустақиллик бермаганлигининг боиси уларнинг бошқа шахслар таъсирига берилувчанлиги, мустақил фикрга эга эмаслиги ҳамда юридик оқибатни англовчи онгнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳисобланади. Зеро, уларга «соф мустақиллик» берилганда эди, уларнинг пул-маблағларини мақсадсиз сарфлашига, ўз маблағларига турли алкоголь ва тамаки маҳсулотларини олиш ва бу уларни истеъмол қилиш хавфи юзага келтирган бўлур эди. Демак, вояга етмаганнинг муомала лаёқати қонуний вакил ёки васийнинг таъсири, розилиги асосида кенгайтирилиши ё чекланиши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ФК 27-моддаси 2-қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Улар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш(қисман муомала лаёқатига эга бўлганлар меҳнат муносабатларига киришиш ҳуқуқига эга (эмансипация). Меҳнат муносабатларини қонуний вакиллар орқали амалга ошириб бўлмайди ва қанчалик даражада меҳнатга лаёқатлилигини шахснинг ўзи белгилайди¹);

2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

4) ФК 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Бу юқорида санаб ўтилган ҳолатлар вояга етмаганларнинг мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларга кейинги фаслларда муфассалроқ тўхталиб ўтамиз.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ФК 27-моддаси 1-2-қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкый жавобгар бўладилар. Бундай вояга етма-

¹Советское трудовое право. —М.: Горюриздат. 1963. С. 172.

ганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу Кодексга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Кичик ёшдаги болалар мустақил туза оладиган майда маиший битим деганда бола ёки унинг оила аъзоларининг одатдаги, ҳар кунги эҳтиёжини қондиришга қаратилган ва юқори бўлмаган баҳодаги битимлар тушунилади. Битимнинг майда маиший битим эканлигини белгиловчи икки шарт мавжуд:

-одатдаги ҳар кунги эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлиши;

-юқори бўлмаган баъҳода эканлиги.

Лекин шу иккала шартдан фақат эҳтиёжларни белгиловчи мезонгина фуқаролик ҳуқуқи назариясида баҳс мунозарага сабаб бўлмайди. Чунки кичик ёшдаги бола дўкондан нон, гугурт, сут, ручка, қалам, дафтар ёки шунга ўхшаш майда эҳтиёжларни қондирувчи нарсаларни харид қилиши мумкин.

Майда маиший битим тушунчаси қонунчиликда ўз ифодасини топмаганлиги боис у тўғрисида турли назарий ғоялар илгари сурилади. Масалан Л.Г.Кузнецова ва Я.Н.Шевченколarning фикрларича майда маиший битимлар қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

-бундай битимлар фуқароларнинг бевосита шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади;

-тузилиши билан ижро қилинади (одатда тузилиши билан ижро этиладиган битимлар оғзаки битимлар ҳисобланади. Н.А.);

-катта қийматга эга бўлмайди.

М.В.Кротовнинг таъкидлашича, майда маиший битим бу – ҳар кунги эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган, ёш бола ёки унинг оила аъзосининг кундалик истеъмоли билан боғлиқ бўлган, юқори бўлмаган баҳодаги битимлар ҳисобланади¹.

Текин манфаат қўришга қаратилган нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар тузишга

¹Гражданское право. Учеб.В 3 т. Т.1. 6-е изд. Отв.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект. 2003. С.122.

кичик ёшдаги болалар фақатгина бу битим уларга мажбурият юкла-масагина ҳақли бўлади. Текин манфаат кўришга қаратилган битимда муқобил ижро бола томонидан амалга оширилмайди. Вояга етмаган-лар тузиши мумкин бўлган нотариал тасдиқланмайдиган ва давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайдиган текин манфаат кўришга қаратилган битимларга нималар кириши мумкинлиги тахминан ано-логия нуқтаи назаридан аниқлаш мумкин (ҳадя, хайр-эҳсон), лекин уларнинг баҳосини анология аниқлаб бера олмайди. Қонун бундай те-кин манфаат кўришга қаратилган битимлар баҳоси тўғрисида «ту-шунтириш» бермаган ва бундан ҳар қандай баҳодаги текин манфаат кўришга қаратилган битимлар тузиш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томони-дан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағ-ларни тасарруф этиш борасидаги битимларни тузишда кичик ёшдаги болаларга кенг имкониятлар берилган. Қонун бунда битимлар доира-сини белгиламайди. Бундай битимларни тузишда боланинг ҳаракати фақатгина назоратда бўлади. Бу назоратни қонуний вакил ёки васий-лик ва ҳомийлик органи амалга оширади.

А.Н.Левушкиннинг фикрича муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битим-ларни васий ёки ҳомийсининг розилигисиз амалга оширилади¹.

Фикримизча бу имконият маълум маънода, болани мустақил ҳаётга ўргатиш билан боғлиқ. Чунки у мустақил битим тузиш орқали келажакда тўлиқ муомала лаёқатига етганда тузиши лозим бўлган би-тимлар учун тажриба вазифасини ўтайди.

Ота-она, фарзандликка олувчилар, васий ва ҳомийлари таъсири остида ҳам вояга етмаганлар фуқаролик муомаласида иштирок этади-лар. Бу юқорида таъкидлаганимиздек, билвосита иштирок этиш ҳи-собланади.

Вояга етмаганларга энг яқин турувчи, улар номидан ҳаракатлар олиб борувчи шахслар унинг ота-оналари, қонуний вакиллари дир.

Қадимдан бола учун масъул энг аввало ота-она эканлигига ало-ҳида эътибор қаратилган. Бу ерда масъулият уларни боқиш ва тар-биялаш билан эмас, балки уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини на-зорат остига олишлари билан ҳам баҳоланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига асосан ота-оналар ўз

¹Левушкин А.Н. Правовое регулирование некоторых имущественных прав несовершеннолетних детей по зако-нодательству Российской Федерации. //Жур. Юрист. 2000. №10. -13-14 б.

фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Айрим ҳолларда ота-она боланинг тарбиясига, шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, унинг ҳуқуқий муносабатда иштирок этишига тўсқинлик қилиши мумкин. Айнан ушбу ҳолатни инобатга олиб, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга асосан, давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади. Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир. Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари васийлик ва ҳомийликни белгилаш, болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар. Вояга етмаганларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдаги

шартномавий муносабатга киришиш масаласи кейинга параграфларда алоҳида тўхталади.

Вояга етмаганлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда гарчи айрим қонунда кўрсатилган ҳолларда ўзлари мустақил ҳаракат қилсаларда, лекин кўп ҳолларда ўз вакиллари орқали бу ҳуқуқларни амалга оширадилар. Вояга етмаганларнинг вакиллари асосан қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосан юзага келади. Вакил ваколат берувчи-вояга етмаган номидан битим тузади ва бу ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади (ФКнинг 129-моддаси).

Вакилликнинг моҳияти шундаки, бунга асосланиб тузилган битимлар фақат ваколат берувчи учунгина муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни туғдиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Вакилнинг шахсан ўзи эса, битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди. Вакил ўз ваколатини ваколат берувчининг манфаатларини кўзлабгина амалга оширишга мажбур.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва васийлар ФКнинг 131-моддасида белгиланганидек, қонуний вакиллар ҳисобланадилар. Фарзандликка олувчилари, васийликка ва тарбияга олган ота-оналари тўла муомала лаёқатига эга бўлишлари қонун асосида талаб қилинади. Айрим муаллифлар ота-оналик ҳуқуқи муддатли эканлигини таъкидлайдилар¹. Г.С.Иномжонова ота-оналик ҳуқуқини муддатсиз деб ҳисоблайди². Ушбу ҳолатда фикримизча, Г.С.Иномжонованинг фикрлари ўринлидир. Зеро миллий минталитетимизда қанча муддат ўтишидан қатъи назар ота-она ўз фарзандларига, гарчи у ёши улғайиб қолса ҳам масъул ҳисобланадилар. Муомала лаёқати (18 ёш ва ундан катталар) ўзбек оила ҳуқуқий муносабатида муносабатга эркин киришиш имкониятини берса-да ота-она билан боғлиқликда қолавериши билан ҳам ўзига хосдир.

Ф.М.Отахўжаев таъкидлаганларидек, ўзбек оиласининг ўзига хос этнографик хусусиятлари: кўп болалилик, кўп табақалилик (бир неча авлод вакилларининг бирга яшашлари), авлодлар ўртасидаги боғлиқликнинг бошқа мамлакатлардагина нисбатан кучлилиги ва шу каби қатор хусусиятлари унинг психологик аҳамиятини янада орттириб юборади³.

¹ Советское семейное право. –М.: Юр.лит. 1982. -154 с.

² Иномжонова Г.С. Ота-оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари. –Т.: Адолат, 2006. -26 б.

³ Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2005. -11 б.

Демак, миллий минталитетимиздан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, вояга етмаганларни шахс сифатида шаклланишида ота-она қонуний вакил сифатида биринчи навбатда масъулдир.

Ота-она вояга етмаганнинг қонуний вакили экан, унинг учун ҳар иккиси тенг ҳолда масъул бўлади. Бу ерда тарбияни ким олиб бориши аҳамиятсиздир. Қонун вояга етмаган болага ғамхўрлик қилиш, унга вакиллик қилишда, тарбия беришда ота-онанинг имкониятлари тенг деб баҳоланади. Улар вояга етмаган болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Агар шундай вазиятлар юзага келган тақдирда, иш суд тартибиде кўрилиб, асосли хулосаларга биноан, боланинг манфаатларидан келиб чиқиб низо ҳақ қилинади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига биноан, ота-она вояга етмаган болаларини таъминлашга мажбур эканликлари, уларни таъминлашнинг тартиби ва шакли ота-она томонидан амалга оширилиши белгиланиб қўйилган. Агар ота-она вояга етмаган болаларини таъминлаш мажбуриятини бажаришдан воз кечса, уларни таъминлаш учун ҳаражатлар суд тартибиде амалга оширилади. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори Оила кодексининг 99-моддасиде қатъий қилиб белгилаб қўйилган.

Фақатгина ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганиде ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чеклаганда вояга етмаган болалар номидан ҳаракат қилишларига “тақиқ” белгиси қўяди. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш уларни энди бу болаларнинг ота-онаси эмас деган хулосани келтириб чиқармайди. Ҳуқуқдан маҳрум қилинган ота-она болага нисбатан ҳуқуқни сақлаб қоладилар, лекин унинг номидан ҳаракат қила олмайдилар, уни тарбиялай олмайдилар. Оила кодексининг 79-моддасиде ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқидан қуйидаги ҳолларде маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган:

-ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми²де тушунтирилишича, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ота-оналик бурчларини узлуксиз равишде бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик

¹ Я.Е.Песин. Семейно-правовые и процессуальные гарантии прав женщин в СССР.-Алма-Ата, 1972. Авторе.дисс. д.ю.н.-25 б.

² «Болалар тарбияси билан боғлиқ булган низоларни ҳал қилишде судлар томонидан қонунларни куллаш амалиёти туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори.//Қонун номи билан.1998.№3.-34 б.

қилмасликни англатади. Табиийки, бундай ҳаракат (ҳаракатсизлик) болани ҳалокатга олиб келиши мумкин);

-узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тор-тса(Олий Суд Пленум қарорида кўрсатилишича туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган тақдирдагина суд ҳуқукдан маҳрум қилиш ишларини кўриши мумкин)¹;

Фарзандликка олувчилар ота-оналик ҳуқуқидан фойдаланадилар ва улар ота-она билан тенглаштирилади.

ФКнинг 32-моддасига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳамда суд тартибида муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан таъминот бериш, уларни тарбиялаш, таълим бериш ва парваришлаш, шунингдек, шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятдир².

И.Б.Зокировнинг фикрича, муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонунӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкӣ ҳуқуқларни қўриқлаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ушбу фикрни тўлдирган ҳолда Ш.Р.Юлдашева ота-онасиз қолган, вояга етмаган, ёрдамга мухтожларга ҳам васийлик ва ҳомийлик тайинланишини таъкидлаб ўтади³.

Ф.М.Отахўжаев турли сабабларга кўра ота-она тарбиясидан ва унинг таъминотидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оилавий тарбияга яқин бўлган тарбияни таъминлайдиган воситалардан бири васийлик ва ҳомийликдир⁴.

¹«Болалар тарбияси билан боғлиқ булган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори.//Қонун номи билан.1998.№3.-34 б.

² Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2005. -6 б.

³ Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2005. -3 б.

⁴ Отахўжаев Ф.М. Оила ҳуқуқ. –Т.: ТДЮИ, 2005. -219 б.

Ушбу устозларнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, вояга етмаган, ота-онасиз ёки айрим сабабларга кўра унинг қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг шахс сифатида шаклланишида мазкур инстинкт катта рол ўйнайди.

Васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс - ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий касал ва ақли заифлар номидан васий ҳаракат қилади ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек уларни учинчи шахсни баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар¹.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади².

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек, бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик рим хусусий ҳуқуқидан маълум. Рим ҳуқуқида васийлик ва ҳомийлик асосан ёш белгисига қараб таснифланган. Унга кўра, васий (tutela)-вояга етмаган болаларга ва уларга тенглаштирилган аёлларга нисбатан, ҳомийлик (cura)-ўсмирларга (14 ёшдан 25 ёшгача), руҳий касалларга ва ўзини идора қила олмайди-ганларга нисбатан белгиланган. Бундан ташқари, васий ва ҳомий ўз вазифаларини амалга ошириш даражаси бўйича ҳам бир-биридан фарқланган: васий (васийликка олинган шахс 7 ёшга тўлган бўлса), битим тузиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни ўзи амалга оширган; бошқа ҳолларда эса васий ҳар қандай шартномаларни тузиш вақтида ўз фикрини белгиланган тартибда васийликдаги шахсга билдирган;

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2006. -88 б.

² Юлдашева Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари.// Ёш олимлар тўплами. №1. –Т.: ТДЮИ. 2002. -54-59 б.

ҳомий битим тузишгача ва битим тузилгандан сўнг ҳам расмий бўлмаган розиликни бериши мумкин бўлган¹.

Васийлик ва ҳомийлик бир вақтнинг ўзида маъмурий, фуқаролик ҳамда оила ҳуқуқи институтлари сифатида намоён бўлганлиги сабабли соҳалараро институт ҳисобланади². Ушбу фикрга қўшилган ҳолда васий ёки ҳомийни тайинлаш, уларни назорат қилиш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ва бошқаларда маъмурий ҳуқуқ, вояга етмаган номидан мулкӣй ва шахсий номулкий муносабатга киришиш фуқаролик ҳуқуқи, васий ёки ҳомий билан вояга етмаганлар ўртасидаги оилавий ҳуқуқӣй муносабатлар оила ҳуқуқи предмети ҳисобланади.

Ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийлик органларининг вояга етмаган, қаровсиз қолган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, энг асосийси, эса уларга таълим бериш каби масалалар уларнинг вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик институти кўпроқ фуқаролик, оила ва айрим ҳолларда маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади³. Лекин айрим давлатлар васийлик ва ҳомийлик институтидан воз кечган. Австрия ва Германияда бу институт ўрнига вакиллик қўлланилмоқда⁴.

Н.М.Ершова ҳам ушбу фикрга қисман қўшилиб, васийлар ва ҳомийлар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишига муҳтож бўлган болаларнинг шахсий ва мулкӣй ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадидаги, ҳомийликнинг барча кўринишларини ўз ичига олган оила ва фуқаролик ҳуқуқининг комплекс бўлими бўлиб ҳисобланади деб таъкидлайди⁵. Фикримизча, васийлик ва ҳомийлик оила ва фуқаролик ҳуқуқининггина эмас, маъмурий ҳуқуқ тизимининг ҳам таркибий қисмидир.

1963 йилги Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодексида васийлик ва ҳомийлик алоҳида тарзда (яъни, моддада) белгиланмаган⁶. Бунинг сабаби у даврда бу институт оила ҳуқуқи институти ҳисобланган. Лекин янги ФК бу ҳолатни рад этиб ўз ичига “васийлик ва ҳомийлик” деб номланган янги 32-моддани қамраб олди.

¹ М.Х.Хутыз. Римское частное право.-М.:Былина.1995.-68 б.

² А.М.Белякова, Е.М.Ворожейкин. Советское семейное право.-М.: Юр.лит.1974. 34 б.

³ Советское семейное право. Под ред.В.А.Ряшенцева.-М.: Юр.лит.1982.

⁴ Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқӣй воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. -Т.: Фан, 2000. -29 б.

⁵ Н.М.Ершова. Опекa и попечительство, усыновление. -М.: Юр.лит. 1984. -10 б. А.М.Нечаева ҳам ушбу фикрга қўшилиб, васийлик ва ҳомийлик муносабатлари фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши лозим деб ҳисоблайди. Нечаева А.М. Семейное право. -М.: Юрист. 1998. -61 б.

⁶ ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари. 1963. №9. 30-модда.

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан васийлик ва ҳомийлик институти асосан муомалага лаёқатсиз ёки қисман муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласидаги иштироки бевосита ҳамда билвосита васийлик ва ҳомийлик институтига боғлиқлиги сабабли бу институт вояга етмаганлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ҳамда уларнинг хатти-ҳаракати учун жавобгар ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари баркамол авлодни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг дебочасидир. Лекин вояга етмаганлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар ўз ечимини топганича йўқ. Жумладан, вояга етмаганлар содир этган жиноятлар хануз ҳам кузатилмоқда. 2002 йилда жами жиноят содир этганларнинг 2% ини вояга етмаганлар ташкил этди. Вояга етмаган “жиноятчи”ларнинг 57,6% ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиганлар, чунончи, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар, 29,2% ини мактаб ўқувчилари, 4,8 % ини касб-ҳунар коллежи, лицей ўқувчилари, 8,4% ини ишлайдиганлар ташкил этган. Шунингдек, вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг ҳар тўртдан учтаси тўлиқсиз оилада, яъни оилада отасиз ёки онасиз тарбияланган болаларни ташкил этди¹. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиларнинг келиб чиқишига асосий сабаб, аксарият ота-оналарнинг фарзандларига бефарқлиги, оиладаги муҳитнинг носоғломлигидадир².

Конституциямизнинг 64-моддаси (ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар) ва 66-моддаси (вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар) бевосита вояга етмаганлар билан боғлиқ.

Фуқаролик кодекси васийлик ва ҳомийлик органлари хусусида тушунча бермаган. Бу тушунча фақатгина Оила кодекси ва Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низомда мавжуд. Унга биноан васийлик ва ҳомийлик органлари – халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўлимлари ҳисобланади. И.Б.Зокировнинг фикрича, васийлик, ҳомийлик органлари қаторига фуқаролар йиғинини ҳам киради³.

¹ Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2003.

² Ж.Шаропов. Фаоллик мезони етук оилада ҳуқуқий маданият. //Ҳаёт ва қонун. 2003. №5.

³ И.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи.–Т.: ТДЮИ, 2006. -89 б.

Фикримизча, ўзини ўзи бошқариш органлари васийлик ва ҳомийлик институти сифатида эмас, уни белгилашда юқори мавқеини эгалловчи ижтимоий маъмурий орган сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳозирги пайтда Республикамизда 93 та меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Биргина Тошкент шаҳридаги жойлашган мазкур турдаги муассасаларда 3300 дан ортиқ вояга етмаган болалар тарбияланмоқдалар¹. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар кўпчилигининг ота-онаси бор бўлиб, улар ўз фарзандларини айрим сабабларга кўра қаровсиз қолдириб, меҳрибонлик уйига ташлаб кетишган. Бундай болаларга васийлик ва ҳомийлик органининг қай бирини танлаш масаласида ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим рол ўйнайди. Биргина Тошкент шаҳар Юнусобод туманида 2001 йилда 46 нафар ота-онасининг қарамоғисиз (етим) қолган болалар аниқланган. Улардан 13 нафари – Меҳрибонлик уйларига, 33 нафари – оилаларга, шу жумладан улардан 27 нафари – васийлик ва ҳомийликка, 6 нафари – фарзандликка берилган. 2002 йилда 35 нафар (шу жумладан, 7 нафари – Меҳрибонлик уйига, 24 нафари – васийлик ва ҳомийликка, 4 нафари – фарзандликка), 2003 йилда 34 нафар (шу жумладан, 10 нафари – Меҳрибонлик уйига, 19 нафари – васийлик ва ҳомийликка, 5 нафари – фарзандликка) ота-онасининг қарамоғисиз (етим) қолган болалар аниқланган².

Россия Федерациясида айни кунда мингдан ортиқ болалар муассасалари мавжуд, уларда 170000 дан ортиқ болалар тарбияланишади.³

Фикримизча, гарчи болаларнинг тақдирига васийлик ва ҳомийлик органи алоқадор бўлса-да ўзи мустақал бевосита васий ёки ҳомий бўла олмайди. У албатта болани бошқа васий ёки ҳомий қарамоғига беришга мажбур бўлади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари бундай болалар тўғрисида маълумотлар олган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан васий ёки ҳомий тайинлайди. Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар тайинланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, собиқ фарзандликка олувчилар(агар фарзандлика олганлиги ОКнинг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган

¹ Халқ сўзи 2004.3 июнь сони.

² Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти Давлат архивидан. 2001-2003 йиллар.

³ Дзугаев А.З. Правовое аспекты усыновления детей – граждан Российской Федерации иностранными гражданами. // Юридический консультант.-Москва. 2001. №1. –С. 15.

бўлса, (яъни, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлган ҳолатлар юз берганда, шунингдек, фарзандликка олинувчи 18 ёшга тўлгандан кейин унинг хулқ-атвори фарзандлика олувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилиниши мумкин), қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар, қасддан содир этган жинояти учун илгари жазога ҳукм қилинганлар бундан мустасно. Бундан ташқари, васий ёки ҳомий тайинлашда унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс ва васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги мавжуд муносабатлар, шунингдек, 10 ёшга тўлган ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим. Бундан ташқари васий ёки ҳомийга қўйиладиган талаблар «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомда ҳам кўрсатилган.

Васийлик ва ҳомийликка алоҳида тўхталиш мавзуни ўрганиш предметимиз доирасидан маълум даражада четга чиқиш ҳисобланади ва у алоҳида илмий тадқиқот предмети бўлиб, бу мавзуга кўпроқ тўхталиш тадқиқот ишимиз хажмини кенгайтириб кетишига олиб келиши мумкинлигини эътиборга олиб, васийлик ва ҳомийликнинг асосий хусусиятларига эътибор қаратишни лозим деб топдик.

Лекин шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда ота-она ўртасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фарқ мавжуд. М.В.Антокольскаянинг таъкидлашича васий(ҳомий)ларнинг ҳуқуқлари ота-оналарникидан фарқи фақатгина уларнинг торроқ ҳажмдалиги ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг нисбатан қаттиқроқ назоратига олинганлигадир¹. Ушбу фикрдан келиб чиқиб ота-оналарнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашдаги ваколати эркин характерга эга бўлиб, улар деярли ўзга шахсларнинг аралашувисиз бу ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина бундай ҳуқуқдан маҳрум этилиш мумкин. Васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқни амалга оширишлари доимий назоратда бўлади ва улар ваколатли органлар олдида бунинг учун ҳисобдор бўлади.

¹ М.В.Антокольская. Семейное право.-М.:Юрист.2000.-309 б.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вояга етмаганлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қонунда белгиланган ҳолларда мустақил ўзлари албатта қонуний вакиллари розилиги билан, шунингдек, қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари ёрдамида улар раҳбарлигида, кузатуви остида амалга оширадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

20.11.1991 й.

N 429-XII

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИING
АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА¹**

Муқаддима

Давлат халқ манфаатларини кўзлаб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунга асосланиб, республика ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқади ва уни амалга оширади.

1-модда. Ёшларга оид сиёсатининг мақсади ва қоидалари

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланади:

миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси;

ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси N 2, 1992 йил

жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

ҳуқуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида Ўзбекистон Республикаси тасарруфига қуйидагилар киради:

республика ҳудудида ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаш;

ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

ёшларга оид давлат сиёсати бошқарув идораларини тузиш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида республика комплекс ва аниқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган молиявий маблағларни тасарруф этиш;

республика ёшларининг манфаатларини Ўзбекистоннинг республикалараро ва халқаро мажбуриятлари доирасида ифодалаш;

республика ҳудудида ёшларнинг ва улар бирлашмаларининг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;

республика ёшларининг, ёшлар жамоат уюшмаларининг ташаббусларини иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

ҳамма ҳуқуқ субъектларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида ёшларга нисбатан белгилаб қўйилган мажбуриятларига риоя этишларини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишнинг бошқа масалалари.

3-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади, ушбу Қонун 2-моддасининг еттинчи хат бошиси бундан мустаснодир.

4-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунлар

Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва ёшларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий, иқтисодий ҳамда ўзга муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси ушбу Қонун орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади.

Агарда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур Қонундагидан ва Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

5-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, ёшлар номидан уларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектларидир.

II. ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

6-модда. Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлаш

Ёш фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини шахснинг кадр-қимматини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар жойда ҳар томонлама ҳимоя қилишни ўз ичида олади.

Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти идоралари, шунингдек ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланади-

лар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Вояга етмаганларнинг муомала лаёқати масалалари, ёш фуқаролар айрим тоифаларининг (ногиронлар, уй бекалари, болалар уйида тарбияланаётган ҳамда тарбияланиб чиққанларнинг ва ҳоказо) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солиб турилади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилади.

7-модда. Вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурий тарбиявий таъсир чоратадбирларини қўллаб, шу жумладан: етказилган азият ғуборини кўтариш мажбуриятини юклаш, жарима солиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, ахлоқ-тузатиш ишларига юбориш, ҳибсга олиш, озодликдан маҳрум этиш, уларни махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш фақат суднинг ҳукмига ёки тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат шахсининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва унинг кадр-қиммати ҳурмат қилинишини, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар анча инсонпарвар режимда сақланишини кафолатлайди, озодликдан маҳрум қилиш жойларида уларнинг аҳволини халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши учун шарт-шароит яратади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун содир этган жиноятларининг оғирлилик даражаси ва уларнинг ёшини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларида табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади.

8-модда. Ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари

Ўқувчилар ва талабаларнинг ўқув-тарбия муассасалари маъмурияти билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек тегишли муасса-

салар ўзини ўзи бошқариш идораларининг қарорларида белгиланади. Ўқувчилар, талабалар ёки уларнинг қонуний вакиллари ўқув юртларининг маъмурияти билан тегишли қоидалар, шартномалар (битимлар) ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Ўқувчилар ва талабаларни ўқув жараёни вақтида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга йўл қўйилмайди, бундай иш улар танлаган мутахассисликка мос бўлиб, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётининг шакли ҳисобланган, ёхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишдан бўш вақтларида ихтиёрий равишда жамоа бўлиб ёки якка тартибда меҳнат қилган ҳоллар бундан мустаснодир. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат ёки фуқаролик қонунларига мувофиқ тегишлича расмийлаштирилган шартнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Ўқувчилар ва ўқув юртларининг талабаларига ўқув ашёлари, дарсликлари ва мактаб кийимларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Моллар рўйхати ва уларни реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-модда. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаши

Давлат истеъдодли ёшларни алоҳида қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Республикасида давлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар истеъдодли ёшларни аниқлашда ва уларнинг ижодий камол топишида кўмаклашишлари шарт. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида фан ва техника, иқтисодиёт, бошқарув, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни қидириб топишни, уларни муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашни амалга оширишда моддий-техника базалари билан таъминланган давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари ва комиссиялар фаолият кўрсатади. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетлар, ҳамда бошқа манбалардан пул билан таъминланади.

10-модда. Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш жисмоний, ақлий, ахлоқий жиҳатдан ўсишини ва Ўзбекистон халқининг манфаатлари йўлида ижтимоий камол топишини таъминлаш учун ёш фуқаролар ва уларнинг оилаларига бериладиган давлат кафолатларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар учун:

бепул тиббий хизмат;

бепул таълим олиш;

спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда қатнаш;

уй-жой куриш, рўзғор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий компенсация олиш ҳуқуқи; ижтимоий инфраструктура объектларини лойиҳалаш ва куриш чоғида ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

ўқувчилар, талаба ёшлар ва вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш имтиёзлари;

вояга етмаганларга компенсация тўловларини кафолатловчи ижтимоий таъминланиш минимуми белгиланади.

Вояга етмаганларни, ёш фуқароларнинг айрим тоифаларини (ногиронлар, уй бекалари, болалар уйида тарбияланаётган ва тарбияланиб чиққанлар, ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳарбий хизматчилар, захирадаги ҳарбий хизматчилар ва шу кабиларни) ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган махсус чора-тадбирлар, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

11-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини ташкилий жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишлаб чиқади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши ва бошқа давлат идоралари, жойларда эса халқ депутатлари Кенгашлари ижроия идоралари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгашининг вазифалари, ваколатлари ва тузилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ёшларга оид давлат сиёсати асосидаги тадбирларни пул билан таъминлаш ўлчамлари ва илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий мезонларини ишлаб чиқади, ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Президенти-га ҳар йили ёшларнинг аҳволи хусусида маъруза тақдим этади.

12-модда. Ёшларга оид сиёсатни рўёбга чиқаришнинг давлат дастури

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган давлат негизида амалга оширилади.

Давлат дастурининг ишлаб чиқилишидан ва рўёбга чиқарилишидан кўзланган асосий мақсад ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни, инсоний қадр-қимматини, ўзига хос, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан, ихтиёрийлик ва танлаш имконияти қоидалари асосида ёшларнинг халқ хўжалигида меҳнат қилишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Давлат дастурини рўёбга чиқаришда мулкчиликнинг туридан қатъи назар корхоналар, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар иштирок этади.

Давлат дастури моддий ресурслар, меҳнат ресурслари ва молиявий ресурслар билан таъминланади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари кичик дастурлар, шунингдек мустақил ҳужжатлар тарзида дастурлар ишлаб чиқадилар. Дастурларнинг рўёбга чиқарилиши маҳаллий бюджет маблағлари ва пул билан таъминлашнинг бошқа манбаларидан амалга оширилади.

13-модда. Ёшларнинг ижтимоий хизмати

Ўзбекистон Республикасида ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг жамоат уюшмалари ва уларнинг корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг фуқаро сифатидаги ташаббу-

скорлигини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш мақсадларида ёшлар давлат-жамоат ижтимоий хизмати амал қилади.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

психологик-педагогик, тиббий-биологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаганлар ҳамда бошқа ёш фуқароларга маслаҳат бериш;

жисмоний нуқсонлари туфайли жуда ноқулай шароитда қолган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат ва ўқув жамоаларида ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

вояга етмаган ҳуқуқбузарларга махсус тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

озодликдан маҳрум этиш ва махсус муассасаларидан қайтган ёш фуқароларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш (кўниктириш);

ёшларнинг жамоа бўлиб ва якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу фаолиятни ривожлантириш;

ҳуқуқий ташвиқот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик кўриш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, туризм

ва спорт билан шуғулланиш соҳасидаги манфаатларини рўёбга чиқаришлари учун мавжуд имкониятлар тўғрисида хабардор этиш;

ёшларнинг ўзини ўзи бошқариш шакллари ривожлантириш;

ёшларнинг яшаш жойларида ўз бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этишга кўмаклашиш ва ёшларга ёрдам кўрсатиш борасидаги бошқа вазифаларни бажариш.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳудуддаги ўзига ҳосликни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий хизматнинг аниқ шаклини белгилайди.

14-модда. Давлатга тааллуқли бўлмаган идоралар ва фуқароларни ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга жалб этиш

Ёшларнинг жамоат уюшмаларини, бошқа давлатга тааллуқли бўлмаган ташкилотларни ёшларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятга жалб этиш халқ депутатлари Кенгашлари ижроия идоралари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши ва республиканинг бошқа идоралари билан шартно-

ма тузиш асосида амалга оширилади. Шартномада ёшларнинг талаб--эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятнинг тури ва мазмуни, томонларнинг мажбуриятлари бўйича кўрсатиладиган молиявий ёки моддий ёрдамнинг шартлари белгиланади.

15-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини иқтисодий таъминлаш

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тадбирларни пул билан таъминлаш бюджетлар, ёшлар жамғармаси ва бошқа жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қуйидагилар республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, шунингдек республика жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги республиканинг комплекс ва аниқ мақсадли дастурлари;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишни жадаллаштиришга қаратилган, аниқ мақсадлар учун қилинадиган харажатлар;

ёшлар жамоат ташкилотларининг ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича қилинадиган харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши ва унга бўйсунувчи муассасаларни таъминлашга кетадиган харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси тузган шартномаларга мувофиқ ёшларнинг минтақалараро миқёсда ва халқаро алоқаларни амалга ошириш учун қилинадиган харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган ёш фуқароларни ижтимоий таъминлашнинг кафолатланган умумдавлат минимумига қилинадиган харажатлар;

вояга етмаган фуқароларга компенсация тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

16-модда. Ёшларнинг ижтимоий ривожланишига давлат ёрдами

Ёш фуқаролар ва ёш оилаларга ижтимоий имтиёзлар, чунончи: якка тартибда уй қуриш учун ер ажратиш, уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш кооперативларига аъзо бўлиш учун пай бадаллари тўлаш,

рўзгор буюмлари сотиб олиш (шу жумладан чорва моллари сотиб олиш), узоқ муддат фойдаланадиган кундалик уй жиҳозлари сотиб олиш, тижорат асосида амал қиладиган ўқув юртларида таълим олиш учун ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадларга узоқ муддатли кредитлар берилади.

Ёшларга кредитлар банклар томонидан кам фоиз олиш шарти билан берилиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган имтиёзли тартибда узилади.

Ёш фуқароларнинг айрим тоифаларига темир йўл, ҳаво, сув, автомобиль транспортида (таксидан ташқари) ва шаҳар пассажир транспортида юриши учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ имтиёзлар берилади.

Ўз фойдасидан маълум қисмини давлат ёшлар сиёсатига оид комплекс ва мақсадли дастурларни молиялаштиришга йўналтираётган корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмалар учун имтиёзли солиққа тортиш ўрнатилади.

17-модда. Ёшлар жамғармалари

Ўзбекистон Республикасида илмий, техникавий, маданий ва бошқа ижодий фаолиятни, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат-жамоат ёшлар жамғармалари ташкил этилади.

Ёшларнинг жамғармалари ва уларнинг тармоқ бўлинмалари ҳамда корхоналари ўз устав фаолиятларини амалга ошириш учун шу жамғармаларга йўлланадиган фойдаларидан солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Ёшларнинг давлат-жамоат жамғармаларини ташкил этиш, улар фаолиятининг тартиби ва ташкил бўлиш манбалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Давлатнинг ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаши

Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини, халқ ҳунармандчилиги ва ҳунармандчилик касб-кори билан шуғулланишини, ёшлар корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.

Ишловчилар рўйхат таркибининг камида 75 фоизини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этадиган қуйидаги корхоналар: мактаб ўқувчилари, ўрта махсус билим юр்தларининг ўқувчилари, олий ўқув юр்தлари кундузги бўлимларининг талабалари, илмий-тадқиқот, инновация ва жорий этиш ишлари олиб бориш учун ёш олимлар томонидан ташкил этилган корхоналар, шунингдек ёшлар ташкилотлари тузган ҳамда рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ёшларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ёшлар корхоналари ҳисобланади.

Ёшлар корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ: қарз олишда, инвестицияларда, зарур ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланишда, ер майдонларини олишда, ўзларининг тижорат таваккалларини суғурталашда имтиёзлар белгиланади.

19-модда. Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг жамоат бирлашмалари

Республика ёшларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билган фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, кўнгилли уюшмаси Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг жамоат бирлашмаси деб ҳисобланади.

Ёшлар жамоат бирлашмасининг Устави (низоми, бошқа асосий ҳужжати)да аъзо бўлувчининг ёки қатнашчисининг ёши чегаралаб қўйилган (30 ёш) бўлиши керак. Ёшлар жамоат бирлашмасидаги 30 ёшдан катта аъзолар (қатнашчилар) кўпи билан ёшлар жамоат бирлашмасига кирганлар жами сонининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ёшларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатнинг комплекс ва аниқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқишида қатнашадилар.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилиш

Ушбу Қонуннинг рўёбга чиқарилишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари Кенгашлари ва бошқа давлат идоралари назорат қилиб борадилар.

Ушбу Қонуннинг барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан аниқ ва бир тахлитда ижро этилиши устидан олий назорат ўрнатиш Ўзбекистон Республикасининг Прокурори зиммасига юклатилади.

21-модда. Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахслари ушбу Қонуннинг қоидаларига риоя этилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда жавобгардирлар.

Ушбу Қонунга зид келадиган ҳар қандай қонун ҳужжатлари қабул қилиниши биланоқ бутунлай ёки уларнинг тегишли қисми ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ёшларга оид давлат сиёсати субъектларига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар тегишли суднинг қарорига асосан, тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
07.01.2008 й.
№ ЎРҚ-139

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА*¹

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

1-БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бола (болалар) - ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари - ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 1-2-сон.

тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

етим бола - отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола - ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар - юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оилалардаги болалар;

жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;

зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;

ногирон бола - жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар - қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола - ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш.

5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари доирасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

давлатга қарашли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш;

ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкин.

**6-модда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

**2-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

9-модда. Боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола туғилган пайдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10-модда. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ўз шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайри қонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади.

11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга ҳилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахс-

лар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан, ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

12-модда. Болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

13-модда. Боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи вассийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, вассийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оилага, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларида қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари

Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир.

16-модда. Боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно.

Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намоиш этиш тақиқланади.

17-модда. Боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари

Бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Боланинг фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин.

18-модда. Боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун - улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни қўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

21-модда. Боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобилиятлари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди.

Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишни ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади.

22-модда. Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

касбга яроқлиликни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;

соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Ўн тўрт ёшдан катта ёшдаги бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Бола билан унинг ҳаётига, соғлиғи ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш тақиқланади.

Давлат махсус чекловларни жорий этиш ва махсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкоғолга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишини кафолатлайди.

3-БОБ. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАРИ

24-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга

моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:

васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оилага тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

25-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатлари

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

26-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

27-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллари қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантиради.

**28-модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки)
руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг
тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

**29-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг
таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таъ-

лим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

**Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги
171-сон қарорига 2-илова**

**Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида
НИЗОМ**

**I ҚИСМ
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан васийлик ёки ҳомийлик ота-она вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, улар касал бўлганда, ота-она узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, ту жумладан, ота-она тарбиялаш, даволаш муассасалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасадаги ўзининг боласини олишдан бош тортганда, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, шунингдек, вояга етган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

2. Саломатлиги ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларнинг илтимосларига биноан, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларга нисбатан ҳомийлик белгиланиши мумкин.

3. Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

4. Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш;

а) 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан - халқ таълими бўлимларига;

б) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан - соғлиқни сақлаш бўлимларига;

в) соғлиғи ёмонлиғи сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан -ижтимоий таъминот бўлимларига юкланади.

5. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига ва соғлиғи туфайли ўз ҳуқуқини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган, ва ўз мажбуриятини бажара олмайдиган Ўзбекистон Республикасининг вояга етган фуқароларига нисбатан васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари зиммасига юкланади.

6. Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

II. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан васийлик ва ҳомийлик органлари қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

а) ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайдилар, уларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шакллари танлайдилар (149-модда);

б) бола манфаатлари учун зарур ҳолларда унга васий ёки ҳомий тайинлайдилар (177, 179-моддалар);

в) туман, шаҳар ҳокимига вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш юзасидан тавсияномалар тайёрлайдилар (151 модда);

г) болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида келишув тузадилар ва уни бекор қиладилар (195,196-моддалар);

д) васийга:

васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битам (шартнома)лар тузишга;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, уни бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга;

васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга;

васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга;
васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга
розилик берадилар;

е) васийликдаги ва ҳомийликдаги шахснинг таъминоти учун ма-
блағлар етарли бўлмаган ҳолларда, унинг таъминоти учун нафақа
тайинлайдилар (186-модда);

ж) васий ёки ҳомийдан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни
инсофсизлик ёки эътиборсизлик билан бажариши натижасида васий-
ликдаги шахсга етказилган мулкӣ зарарни тўлашни талаб қиладилар
(191- модда);

з) ҳомийни ҳомийлик қилишдан озод қиладилар, васий ва ҳо-
мийни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатадилар (187, 188-мод-
далар);

и) васий ёки ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан тушган
шикоятларни кўриб чиқадилар (193-модда);

к) фарзандликка олиш сирининг сақланишини таъминлайдилар,
фарзандликка олган ва фарзандликка олишни истовчи шахсларнинг,
фарзандликка олинганларнинг, шунингдек, васийлик ва ҳомийликка
эҳтиёжи бор вояга етмаганларнинг, васий ва ҳомий бўлишни ҳамда
болаларни тарбияга олишни истовчи шахсларнинг, васийликка ва ҳо-
мийликка ҳамда тарбияга олинган вояга етмаганларнинг, васийлар ва
ҳомийларнинг ҳисобини юритадилар.

л) белгиланган тартибда фарзандликка олишни бекор қилиш ёки
(фарзандликка олишни ҳақиқӣ эмас деб топиш учун судга ҳужжат-
лар тайёрлайдилар;

м) давлат муассасалари (интернатлар)га юборилган вояга етма-
ган болаларнинг ҳисобини олиб боради ва уларга оид ҳужжатлар та-
йёрлайди;

н) ота-оналар ўртасида пайдо бўладиган боланинг исми ва (ёки)
фамилиясига алоқадор келишмовчиликларни, шунингдек болалар-
нинг таълим ва тарбиясига тааллуқли масалаларни ҳал қиладилар
(69,75-моддалар);

о) васий ва ҳомий мажбуриятларининг бажарилиши ва ҳуқуқла-
рининг амалга оширилиши устидан йилда камида 2 марта назоратни
амалга оширадилар, оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш
шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар ва бу
ҳақда тегишли маълумотномалар тузадилар (182,200-моддалар);

п) суд қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мулкани ишончли бошқариб турувчи шахсни аниқлайдилар ва у билан шартнома тузадилар (Фуқаролик кодексининг 34-моддаси);

р) ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайдилар (74-модда);

с) белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этадилар, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиляётганда иштирок этадилар (80,82,83 моддалар);

т) вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қиладилар (эмансипация) (Фуқаролик кодексининг 28- моддаси);

у) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширадилар.

8. Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қиладилар ва уларни манфаатдор муассасаларга, ташкилотларга ва шахсларга эълон қиладилар.

9. Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига, мазкур Низомга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарорларига амал қиладилар.

10. Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятига раҳбарликни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари амалга оширадилар.

III. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ВАЗИФАЛАРИ

А. Судлар томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органларининг қатнашуви

11. Суд томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низолар кўриб чиқиляётганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик органи ишда қатнашишга жалб қилиниши керак.

12. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қиляётган шахснинг (шахсларнинг) турмуш

шароитларини текширувдан ўтказиш ва текшириш далолатномасини ҳамда унга асосланган низо моҳияти бўйича хулосани судга тақдим қилиши шарт.

13. Боланинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига бевосита хавф туғилганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан тортиб олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан тортиб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли далолатномаси асосида амалга оширилади.

14. Бола тортиб олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорни хабардор қилиши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи болани тортиб олиш ҳақидаги далолатномаси чиқарилгандан кейин етти кун мобайнида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш ҳақида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

15. Болани тортиб олиш ва уни бошқа шахсга (шахсларга) бериш билан боғлиқ ишлар бўйича суднинг қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органи ва бола тарбиялашга берилаётган шахс (шахслар) иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим.

Б. Туғилишни қайд қилишда васийлик ва ҳомийлик органининг ваколатлари

16. Ота ва оналари ҳақидаги маълумотлар бўлмаган ҳолларда ота ва она ҳақидаги ёзувлар "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"га ва мазкур Низомга биноан васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмаси бўйича ёзиб қўйилади.

17. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади.

Агар ота-оналар турли фамилияларда бўлса, унда ота-онанинг келишувига биноан болага улардан бирининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра ота ёки она томонидан бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

18. Ота-оналар ўртасида никоҳдан ажралиш ёки никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши болаларнинг фамилияси ўзгаришига сабаб бўлмайди. Агар ажралишдан, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилгани-

дан кейин ёки ота-онадан бири оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганидан сўнг болани ўз тарбиясига олган ота ёки она унга ўз фамилиясини беришни хоҳласа, бу масалани васийлик ва ҳомийлик органи томонидан боланинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

В. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан болалар тарбияси ва улар билан кўришиб туриш тўғрисида масалаларнинг ҳал этилиши

19. Болалар тарбияси ва таълимига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан уларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишувлар бўлмаса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

20. Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота-она билан ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

21. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга бўлади.

Ота-оналар (улардан бири) боланинг яқин қариндошларга у билан кўришиб туришни рад этган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай кўришиб туришларга тўсқинлик қилмасликка мажбур қилиши мумкин.

Г. Васийлик ва ҳомийлик органининг болаларни фарзандликка олиш ва оилага тарбияга бериш билан боғлиқ масалалардаги ваколатлари

22. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

23. 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади.

24. Агар бола васийлик ёки ҳомийликда бўлса ва уни фарзандликка олиш учун ота-она розилиги талаб қилинмаса, фарзандликка олиш васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

25. Васийлик ва ҳомийлик органи Оила кодексининг 168 ва 169-моддаларида белгиланган ҳолларда фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида ёки фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши мумкин.

26. Агар даъво васийлик ва ҳомийлик органига нисбатан қилинган бўлса, у бу ҳақда фарзандликка олган шахсга хабар беришга мажбур, фарзандликка олган шахс ишни кўриб чиқишда жавобгар томонида иштирок этишга ҳақлидир.

27. Васийлик ва ҳомийлик органи тутинган ота-оналарни танлашни амалга оширади, улар билан болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисида келишув тузади.

28. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкӣ мавқеининг ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, болаларнинг тутинган ота-онаси ташаббуси билан, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

29. Васийлик ва ҳомийлик органи оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб боради.

Д. Васийлик ва ҳомийлик органининг вояга етмаганларни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) бўйича ваколатлари

30. Вояга етмаган, ўн олти ёшга тўлган шахс агар у меҳнат шартномаси бўйича ишлаб турган ёки ота-онаси, фарзандликка олганлар ёхуд ҳомийнинг розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб турган бўлса, тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига кўра иккала ота-онанинг, фарзандликка олганларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан, ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суд қарори билан амалга оширилади.

IV. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНИНИНГ ҚАРОРИ ҲАМДА ВАСИЙ ВА ҲОМИЙНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

31. Васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёхуд ҳомийни тайинлаш ёки васий ёхуд ҳомийни бу вазифадан четлатиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан манфаатдор шахслар томонидан судга шикоят қилиниши мумкин.

32. Васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан ҳомийнинг турар жойидаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга ҳомийликдаги шахснинг ўзи, давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролар томонидан шикоят қилиниши мумкин.

33. Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори ҳамда васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

V. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

34. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган муассасалар (мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим, даволаш ва бошқа муассасалар)нинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақда болаларнинг аниқ турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига хабар беришлари шарт.

Васийлик ва ҳомийлик органи бундай хабарни олган кундан бошлаб боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бола ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланганда, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

35. Васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларининг бевосита бажарилиши учун васий ва ҳомийни тайинлайди.

36. Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс ва васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги мавжуд муносабатлар, шунингдек, 10 ёшга тўлган ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

37. Васийлик ва ҳомийлик органларига васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурати маълум бўлган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирилмасдан васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

38. Васий, ҳомий ва болаларни тарбияга олган шахсларнинг мажбуриятлари бажарилиши ва уларнинг ҳуқуқлари амалга оширилиши устидан назорат васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

39. Васийлик ва ҳомийликка оид ишларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий бўлишни хоҳловчи шахсларни, васий ва ҳомийларни, ариза берувчиларни, манфаатдор ва ишга алоқадор шахслар (қариндошлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, экспертлар, гувоҳлар ва бошқалар)ни ҳамда айрим ҳолларда васийликка ёки ҳомийликка муҳтож шахсларни таклиф қилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг келмаганлиги, агар васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг иштирокини мажбурий деб ҳисобламаса, ишнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

40. Васийлик ва ҳомийлик органлари васий ва ҳомийни улар зиммасига қонун билан юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган ҳолларда уларни бу мажбуриятларни бажаришдан четлатади.

41. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юкланган вазифалардан ғаразгўйлик ёки бошқа мақсадларда фойдаланганида, ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганида, васийлик ва ҳомийлик органи айбдорни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чоралар кўриши мумкин.

42. Васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомийдан ўз зиммасига юкланган вазифаларни инсофсизлик ёки эътиборсизлик билан бажариши натижасида етказилган мулкый зарарни тўлашини талаб қилиши шарт, васийлик ва ҳомийлик тугатилганда эса, васийлик ва ҳомийликда бўлган муомалага лаёқатли шахс ҳам бундай талабни қўйишга ҳақли.

43. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳомийликдаги вояга етмаган шахслар ўз иш ҳақларини, нафақаларини, стипендияларини ва бошқа даромадларини мустақил равишда тасарруф қилишга ҳақлидир. Етарли асослар бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг бу маблағларни мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклаш ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш юзасидан судга мурожаат этиши мумкин, фу-

қаролик кодексининг 22-моддасининг иккинчи қисмида ва 28-моддасида назарда туғилган ҳоллар бундан мустасно.

44. Васий ва ҳомийлар васийлик ва ҳомийлик органларига йил тугаши билан келгуси йилнинг бошида (10 январгача) ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкининг сақланиши ва бошқарилиши, уларга тегишли пул маблағлари ва бошқа қимматли буюмларни сақлашнинг аҳволи ҳақида ёзма ҳисобот тақдим қиладилар.

45. Васийлик ва ҳомийлик тугаганида, васий ва ҳомийни ўз мажбуриятини бажаришдан четлатилганда, шунингдек, вояга етган шахсга ҳомийлик қилиш мажбуриятидан озод этилганида васийлик ва ҳомийлик органи мол-мулк, пул маблағларини ва бошқа қимматли буюмларнинг сақланиши чора-тадбирларини кўради.

Васий ва ҳомий васийлик ва ҳомийлик органига ўзининг фаолияти тўғрисида ахборот беради.

46. Васийлик ва ҳомийлик бўйича иш юритиш тегишли равишда халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юритилади.

II ҚИСМ ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни таъминлаш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади.

2. Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ва суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги ҳолларда белгиланади:

ота-онаси вафот этган бўлса;

ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганида ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда;

ота-онаси касал бўлганда;

ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

ота-онаси б ойдан ортиқ муддат бўлмаган ҳолларда, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онаси бедарак йўқолганда;

ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

3. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

II. ВАСИЙ ВА ҲОМИЙЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ВАСИЙЛИККА ЁКИ ҲОМИЙЛИККА БЕРИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

4. Таълим, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тураржой хўжалиги органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар ва бошқа муассасалар, шунингдек, фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органларига;

ота-онаси ёки фарзандликка олувчилари бўлмаган болалар тўғрисида;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган болалар тўғрисида;

ота-онасининг тарбиясида бўлиши болалар манфаатларига зид бўлганда, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжуд бўлган болалар тўғрисида;

ота-онаси б ойдан ортиқ муддат бўлмаган болалар тўғрисида, агарда бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онасининг касаллиги сабабли ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида;

ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидан ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортган болалар тўғрисида;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар тўғрисида;

соғлиғи туфайли ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли шахслар тўғрисида маълумотлар беришга мажбурлар.

5. Васийлик ёки ҳомийлик органлари васийлик ва ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бевосита амалга ошириш учун ушбу органларга васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан васий ёки ҳомий тайинлайди.

6. Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина, мазкур Низомнинг 36-бандининг I қисмида назарда туғилган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, тайинланиши мумкин.

7. Тарбиялаш ва даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалар тарбияси ва таъминотида бўлган шахсларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланмайди, васий ва ҳомий мажбуриятларини бажариш ушбу муассасаларга юкланади.

8. Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

собиқ фарзандликка олувчилар агар фарзандликка олганлиги Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган бўлса;

қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар;

руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

III. ВАСИЙЛИК ЁКИ ҲОМИЙЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

9. Васий ёки ҳомий бўлишни истовчилардан васий ёки ҳомийликка олишни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

а) васийликка ёки ҳомийликка олувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса, уларнинг сони ва ёши ва васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;

б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

в) турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотлар;

г) никоҳ гувоҳномаси (никоҳдан ажралганлик гувоҳномаси) нусхаси;

д) иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

е) иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома;

ж) васий ва ҳомий бўлишни истовчи шахсларнинг соғлиғи тўғрисидаги врачлик маслаҳат комиссиясининг хулосаси, руҳий ва наркология муассасалари, тери-таносил диспансери маълумотномалари.

10. Васийлик ва ҳомийлик органлари васийликка ёки ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тайёрлайди:

туғилганлик ҳақида гувоҳнома(паспорт) нусхаси;

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида суд қарори;

ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги ҳақидаги, ота-оналарга қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болаларнинг ота-онасиз қолганлиги тўғрисидаги далолатномалари;

саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг турар-жойи мол-мулки, тўғрисидаги маълумот;

васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомийликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномаси.

IV. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

11. Васийлик ёки ҳомийлик васий ёки ҳомий бўлишни хоҳловчи шахсларнинг аризасига биноан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

12. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш мол-мулк жойлашган ерда белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

V. ВАСИЙ ВА ҲОМИЙНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар.

Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Васийлар ва ҳомийлар васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан, судда ҳам алоҳида ишончномасиз ҳимоя қилади.

турар жойи ўзгарганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши;

васийлиги ва ҳомийлигидаги болаларни тарбиялаши, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

ўз қарамоғидаги вояга етмаган болалар билан бирга яшаши шарт. 16 ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг ўз ҳомийсидан алоҳида яшашига, башарти бу унинг тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан йўл қўйилади.

15. Васий ва ҳомий қуйидагиларга:

васийлиги ва ҳомийлигидаги боланинг фикри, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усуллари мустақил равишда белгилашга;

васийлиги ёки ҳомийлигидаги болани қонуний асослар бўлмасдан туриб, ўз қарамоғида сақлаб турган ҳар қандай шахслардан, шу жумладан, боланинг яқин қариндошларидан суд тартибида қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

16. Васий ва ҳомий боланинг ўз ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришиб туришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бундай кўришиш бола манфаатларига зид ҳоллар бундан мустаснодир.

17. Васий ёки ҳомий, агар ўз қарамоғидаги шахсни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ёхуд психотроп моддаларни истеъмол қилиши натижасида муомала лаёқати чекланган деб топилишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, уни муомалага лаёқатли деб топишни ва васийлик ёки ҳомийлик бекор қилинишини сўраб судга мурожаат этиши шарт.

18. Васий васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан;

васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга;

васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга;

васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга;

васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга ҳақлидир.

19. Васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишла-

рини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

20. Васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлаши мумкин.

21. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган шахснинг ҳомийси ўз ҳомийлигидаги шахс талаби билан ҳомийлик мажбуриятидан озод қилиниши лозим. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳомий тайинланишига муҳтож шахснинг розилиги билан унга бошқа шахсни ҳомий этиб тайинлаши мумкин.

VI. ВАСИЙ ВА ҲОМИЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

22. Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилишини васийлик ва ҳомийлик органлари назорат қилади.

23. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига қонун билан юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганида васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими васий ёки ҳомийни бу мажбуриятларни бажаришдан четлатади.

VII. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ТУГАШИ

24. Васийлик қуйидаги ҳолларда:

васийликдаги шахс ёки васий вафот этганда;

вояга етмаганларга нисбатан - улар 14 ёшга тўлганда ёки улар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганлар учун - уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тикланган ҳолларда тугайди.

25. Вояга етмаган бола 14 ёшга тўлганлиги сабабли васийлик ту-
гаганида васий вазифасини бажарувчи шахс махсус тайинланмасдан
вояга етмаган боланинг ҳомийси бўлиб қолади.

26. Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда:

ҳомийликдаги шахс ёки ҳомий вафот этганда;

ҳомийликдаги шахс вояга етганда;

ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;

ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;

вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилин-
ганда (эмансипация);

фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал
қилув қарори бекор қилинганда;

ҳомийликдаги вояга етган шахснинг соғлиғи яхшиланганлиги
туфайли у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва маж-
буриятларини бажариш мумкин бўлганда тугайди.

**Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги
171-сон қарорига
3-ИЛОВА**

**Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага
тарбияга олиш (патронат) тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Фарзандликка олиш фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларга нисбатан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида йўл қўйилади.

3. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

4. Фарзандликка олувчилар - болаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-она мажбуриятларини ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган шахслардир.

**II. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИ ВА УЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ
ХОҲЛАГАН ШАХСЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ**

5. Фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни ва фарзандликка олинувчиларни жойлаштириш бўйича туман, шаҳар ҳокимига тавсиялар тайёрлаш халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

6. Ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган муассасалар (мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасалар)нинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақда болалар яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларини уч кун муддатда хабардор қилишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни бошқа

ташкilotлар ва муассасаларга, шунингдек фуқароларга қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари берилишига йўл қўйилмайди.

7. Қуйидаги:

ота-онаси вафот этган;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган;

ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган;

ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган;

ота-онаси бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган;

ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортган;

ота - онаси бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган болалар фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар сифатида ҳисобга олинади.

8. Фарзандликка олишни хоҳловчи шахс яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшаши, агар фарзандлари бўлса уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинadиган боланинг ёши ва жинси кўрсатилган ариза;

шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

иш жойидан ёки яшаш жойидан тавсифнома;

фарзандликка олувчи бўлишни хоҳловчи шахснинг соғлиғи тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансерининг маълумотномалари.

Фарзандликка олувчилар бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун халқ таълими бўлими болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини

ўрганиб чиқиш далолатномаси асосида халқ таълими бўлими ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида уларнинг фарзандликка олувчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хулосани тайёрлайди. Ушбу хулоса ариза берувчиларга берилади ва фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи салбий хулоса ва унга асосланган фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйишнинг рад этилишини хулоса имзоланган санадан бошлаб 5 кун муддатда ариза берувчининг эътиборига етказди. Айтиб берилади ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

9. Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар улар фарзандликка олиш бўйича зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганликлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилганликлари, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганликлари муносабати билан фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса;

қасддан содир қилган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно.

10. Васийлик ва ҳомийлик органи тарбиялаш ёки даволаш муассасаларида тарбияланаётган болаларни фарзандликка олишни истовчи шахсларни рўйхатга олади.

Аниқ бир болани (масалан, неваралар, ўғай ўғил ёки ўғай қиз, вафот этган қариндошларининг фарзандлари ва бошқаларни) фарзандликка олувчилар фарзандликка олишни истовчи шахсларнинг умумий рўйхатига олинмайди.

11. Фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:

турар жойидан қатъий назар, фарзандликка олинувчининг қариндошлари;

оиласида фарзандликка олинувчи бола яшаётган шахс;

ака-ука, опа-сингилларни улар орасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

ўғай ота ва ўғай она;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

III. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ УЧУН БОЛАЛАРНИ ТАНЛАШ

12. Халқ таълими бўлими фуқаролар фарзандликка олувчи номзодлар сифатида ҳисобга қўйилгандан кейин уларга фарзандликка олиш мумкин бўлган бола (болалар) тўғрисидаги ахборотни тақдим этади ва бола (болалар) яшайдиган (турган) жойда болани (болаларни) кўриш учун йўлланма беради.

Агар фарзандликка олишга номзодлар ўз яшаш жойида фарзандликка олиш учун болани танлай олмаса, улар фарзандликка олинадиган бола тўғрисида маълумот олиш учун ўз хоҳишларига кўра бошқа халқ таълими бўлимига ёки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилишлари мумкин.

12-1. Фарзандликка олишга номзодлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: бола тўғрисидаги батафсил маълумотни ва унинг қариндошлари борлиги ҳақидаги маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибда бола турган муассасанинг вакили иштирокида болани фарзандликка олишни мустақил тиббий текширувдан ўтказиш учун тиббиёт муассасасига мурожаат қилиш. 12-2. Фарзандликка олишга номзодлар шахсан:

бола билан танишишга ва у билан алоқа ўрнатишга;

фарзандликка олинадиган боланинг ҳужжатлари билан танишишга;

боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса билан танишганликни ёзма шаклда тасдиқлашга мажбур.

13. Васийлик ва ҳомийликдаги, давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, ота-онасининг розилиги талаб қилинмайдиган ҳолларда, васий (ҳомий) ёки ушбу муассаса маъмурияти розилиги билан амалга оширилади.

14. Васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олинувчи ҳақида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

бола эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса хотин(эр)нинг ёзма розилиги (агар эр-хотин оилавий муносабатни тугатган, бир йилдан ошиқ биргаликда яшамаётган ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, хотин(эр)нинг ёзма розилиги талаб этилмайди);

фарзандликка олинувчи ота-онасининг нотариал равишда тасдиқланган розилиги;

ота-онасининг вафот этганлиги ҳақида маълумотнома ёки суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисида, ота-оналар, муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ўлган деб топилганлиги тўғрисидаги қарори;

ота-онанинг болани тарбияси ва таъминотидан воз кечганлиги тўғрисидаги аризаси, ота-онага қидирув эълон қилинганлик ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасаларнинг бола ташлаб кетилганлиги ҳақидаги далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар;

даволаш муассасининг боланинг жисмоний ва руҳий ривожланиши тўғрисидаги хулосаси.

IV. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ҲАҚИДА ҲОКИМГА ТАҚДИМ ЭТАДИГАН ТАВСИЯНОМАЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ

15. Фарзандликка олиш учун бола танлангандан кейин фарзандликка олувчига номзод боланинг яшаш жойи (бола турган жой)даги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ёши ва жинсини кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади. Ариза билан биргаликда номзоднинг фарзандликка олувчи бўлиши мумкинлиги тўғрисида тегишли халқ таълими бўлими томонидан берилган хулоса тақдим этилади. (ЎзР ВМ 21.08.2007 й. 179-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

Тарбиялаш ёки даволаш муассасаларидан фарзандликка олиш учун берилаётган болага ҳужжатлар тайёрлаш юқоридаги муассаса-

лар маъмурияти томонидан амалга оширилади ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига кўриб чиқишга берилади.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тақдим этилган ҳужжатлар асосида қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда туман, шаҳар ҳокимига тавсиянома тайёрлайди:

а) фарзандликка олинувчининг соғлиғи:

соғлом болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар боланинг соғлиғи тўғрисида фарзандликка олувчини хабардор қилиш шарти билан фарзандликка берилиши мумкин;

фарзандликка олинувчининг соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумот педиатр, невропатолог, хирург (ортопед-травматолог), офтальмолог, отоларинголог, логопед томонидан тузилади ва соғлиқни сақлаш тизимида белгиланган тартибда тасдиқланади. Бола бошқа мутахассислар томонидан ҳам текширилади.

б) фарзандликка олинувчи ота-онасининг розилиғи:

фарзандликка олинаётганнинг ота-онасидан боласини фарзандликка бериш учун нотариал тасдиқланган (паспорт маълумотлари кўрсатилган ҳолда) розилиғи талаб қилинади;

фарзандликка олинувчининг ота-онаси фарзандини муайян бир шахс томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин;

бола жойлашган тарбиялаш ва даволаш муассасалари маъмурияти боланинг ота-онасидан бошқа шахс томонидан фарзандликка олинишига розилигини олишда фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтириш бериши керак;

туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш ҳақидаги қарори чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир. Ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар:

ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

в) фарзандликка олинувчининг розилиғи;

агар фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса, унинг фарзандликка олинисига розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланади. Боланинг розилиги олинганда унга фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари (қариндошлари билан кўришиш, мулкӣ ва бошқа низолар), унинг фамилияси, туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши тушунарли ҳолда болага баён қилиниши шарт;

агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этиши васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўтказилган суҳбат мобайнида аниқланган бўлса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

г) фарзандликка олувчиларнинг оилавий ва бошқа шароитларини ўрганиш:

жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни фарзандликка олиш ҳақидаги фарзандликка олувчиларнинг аризаларида боланинг соғлиги тўғрисида батафсил танишганлиги ҳамда унинг тарбияси ва таъминотини ўз зиммасига олиши ҳақида маълумотлар бўлиши керак;

агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи эр-хотиннинг бирининг розилигини олади, оилавий шароитини ўрганади ва туман, шаҳар ҳокимига фарзандликка олиш бола тарбияси ва манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

V. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА УНИ СИР САҚЛАШ

16. Фарзандликка олиш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилганидан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганларнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади.

Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

17. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

18. Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридagi ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганнинг отаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, улар вафот этган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VI. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

19. Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-онасининг қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини йўқотадилар.

20. Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

VII. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ УЧУН АСОСЛАР ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

21. Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда ҳақиқӣ эмас деб топилади, агар:

фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;

фарзандликка олиш сохта бўлса;

вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;

фарзандликка олувчи шахс фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, яъни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар, шунингдек, собиқ фарзандликка олувчилар мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатиб ўтилган асослар бўйича фарзандликка олиши бекор қилинган бўлса.

22. Фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчилар:

ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;

фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;

муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчи ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин унинг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилинишига йўл қўйиладди.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

23. Фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни унинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола талаб қилиш ҳуқуқига эга.

24. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйиладди. Бу тоифадаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қону-

ний кучга кирганидан кейин уч кундан кечиктирмай суд шу қарордан кўчирмани боланинг фарзандликка олиниши тўғрисида қарор чиқарган шаҳар, туман ҳокимига ва тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юбориши шарт.

25. Суд томонидан фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинган бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек агар болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, бола васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми сақланиш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

VIII. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ

26. Фарзандликка олинган болаларнинг шахсий ҳужжатлари фарзандликка олишга тавсия тайёрлаб берган туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида етмиш беш йил мобайнида сақланади ва уларни фарзандликка олганларнинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлимларига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

IX. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ЁКИ ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Оила кодексининг 151-167, 237-моддалари ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилиниши лозим.

28. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олишни истовчи шахсларни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бундай фарзандликка олишнинг асосий шарти фарзандликка олиш масаласини кўриб чиқишда фарзандликка олувчиларнинг шахсан иштирок этиши дипломатик ваколатхонанинг қуйидаги маълумотларни: фарзандликка бола олишни истовчи фуқароларнинг фамилияси, исми, ота исмини, туғилган вақти, турар жойи, моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни, тиббий ҳулоса, оиланинг ахлоқий-руҳий шарт-шароити, шунингдек, фарзандликка олувчининг ҳар бирига тавсифномаларни ўз ичига олган илтимосномаси ҳисобланади.

Фарзандликка олувчилар фарзандликка олинган болалар баҳога етгунларига қадар ҳар йили хорижий давлатларнинг тегишли дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига боланинг психик ва жисмоний ҳолати, унинг яшаш ва тарбияланиш шароитлари тўғрисида ахборот тақдим этадилар. Ушбу маълумотлар хорижий давлатнинг махсус ваколатли органи ёки болаларни фарзандликка олиш бўйича ташкилот томонидан тасдиқланиши керак.

29. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги, агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан олдин яшаб турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Консули Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олишни расмийлаштиришга ҳақлидир.

Агар фарзандликка олиш натижасида боланинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар билан белги-

ланган ҳуқуқлари бузилса, фарзандликка олувчи қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, фарзандликка олишни амалга ошириш мумкин эмас, агар фарзандликка олинган бўлса, у суд тартибида бе-кор қилиниши керак.

Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАРЗАНДЛИККА ОЛУВЧИЛАР ОИЛАЛАРИДА БОЛАЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

30. Фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фарзандликка олинган боланинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлими унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қилади.

Худудида бола фарзандликка олинган халқ таълими бўлими фарзандликка олиш тўғрисида туман, шаҳар ҳокимининг қарори чиққандан кейин 7 кун муддатда фарзандликка олувчи (лар)нинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли ахборотни юбориши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни беришда фарзандликка олиш сир сақланиши керак. Уни ошкор қилишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

31. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш халқ таълими бўлими вакиллари томонидан, фарзандликка олиш белгилангандан дастлабки 3 йил мобайнида ҳар йили ўтказилади. 3 йил ўтгандан кейин назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлиги халқ таълими бўлими томонидан фарзандликка олувчи (лар) оиласида шаклланаётган аниқ вазиятга мувофиқ яқка тартибда белгиланади. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш фарзандликка олиш сир сақланган ҳолда ўтказилади.

32. Назорат тартибида текшириш натижалари бўйича оилани бориб кўрган халқ таълими бўлими вакили фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши тўғрисида ҳисобот тузади. Ҳисоботда боланинг соғлиғи, ўқиши, унинг руҳий ва хулқ-атвор жиҳатдан камол топиши, ўзига ўзи хизмат қилиш кўникмалари, ташқи кўриниши ва оиладаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИШ (ПАТРОНАТ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Болаларни оилага тарбияга олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Фарзандликка олган оила ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш шаклларида бири ҳисобланади. Ота-оналар қаровисиз қолган болани (болаларни) тарбия қилиш учун олишни истайдиган фуқаролар (эр-хотин ёки алоҳида фуқаролар) тутинган ота-оналар деб аталади, ушбу оила эса фарзандликка олган оила ҳисобланади.

2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Фарзандликка олган оиладаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва фарзандликка олинган болалар билан биргаликда, қоидага кўра, 8 нафардан ошмаслиги керак.

3. Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузилган махсус шартнома асосида амалга оширилади.

II. ФАРЗАНДЛИККА ОЛГАН ОИЛАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4. Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қуйидагилар бундан мустасно:

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар;

суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган деб эътироф этилган шахслар;

қонун билан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармагани учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки уларни лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек

муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлик-лари учун фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилинган бўлса, илгари фарзандликка бола олган шахслар;

қасддан қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

соғлиғининг ёмонлиги туфайли бола тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар. Қайси касалликка чалинган тақдирда болани тарбияга олиш тақиқланадиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белги-ланади.

5. Болани (болаларни) фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар ўз яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-она-лар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган ари-зани берадилар.

Аризага қўйидагилар илова қилиниши керак:

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

иш жойидан ёки яшаш жойидан тавсифнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиғи тўғрисида тиббий- маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия ва нарколо-гия муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансерининг маълу-мотномалари;

санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлган мулк ҳуқуқидаги, ижара (ижарага олиш) шартларидаги ёки бошқа асослар-даги уй-жой мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Ариза беришда шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида оиланинг турмуш шароитларини, болаларни тар-бияга олишни истаганларнинг моддий таъминланганлик ҳолатини текширади, текшириш далолатномасини тузади ва текшириш дало-латномаси асосида уларни ҳисобга қўяди. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар эътиборига қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун муддатда етказилади. Ҳисобга қўйиш рад этилган тақдирда ариза берувчига барча ҳужжат-лар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунти-рилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисобда турган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишган ҳолда васийлик ва ҳомийлик

органларида ҳисобда турган ва ота-оналар қаровисиз қолган, шу жумладан тарбиялаш ва даволаш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидаги вояга етмаган болаларнинг дастлабки танлаб олинишини амалга оширади.

6. Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

7. Болаларни оилага тарбияга бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болаларни фақат уларнинг розилиги билан оилага тарбияга бериш мумкин.

Ўзаро қариндош бўлган болалар, қоидага кўра, битта оилага берилади, тиббий кўрсаткичлар бўйича ёки бошқа сабабларга кўра улар бирга тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

III. БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ

8. Болаларни фарзандликка оладиган оилага тарбиялаш учун бериш битим асосида амалга оширилади. Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги битим васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-оналар ўртасида тузилади.

Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда тутинган ота-она тўғрисида маълумотлар (яшаш жойи, паспорти, оилавий шароити), болани таъминлаш шароитлари, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тутинган ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг тутинган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек, бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

10. Васийлик ва ҳомийлик органи тутинган ота-оналар билан келишув тузилишигача болани тарбияга олаётган оиланинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиши ва ушбу оила аъзолари Соғлиғининг аҳволи ҳақида маълумотлар тўплаши шарт.

IV. ТАРБИЯГА БЕРИЛГАН БОЛАЛАРНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ

11. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбиялаш учун берилган болаларни ҳар йили бир марта кийим-бош ва пойабзал билан таъминлайдилар.

12. Васийлик ва ҳомийлик органлари болани оилага тарбияга олган тутинган ота-онага қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Тутинган ота-онага ҳомийлар, ташкилотлар, идоралар, айрим шахслар томонидан болаларни тарбиялаш мақсадида турли моддий ва маънавий ёрдам берилиши ҳам мумкин.

V. БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

13. Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув муддатидан олдин қуйидаги сабаблар бўлганда тутинган ота-онанинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин:

касаллиги;

оилавий ёки мулкый мавқенинг ўзгариши;

болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқалар.

Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан ёки болалар ота-оналарга қайтарилган ёхуд улар фарзандликка олинганда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

14. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувларни тўхтатиш тўғрисидаги низолар суд тартибида ҳал қилинади.

VI. ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИНГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

15. Оилага тарбияга берилган болалар:

ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

уй-жойга бўлган мулк эгалиги ёки уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи;

қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Фарзандликка оладиган оилага тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларга қонун ҳужжатларида ота-оналар қаровисиз қолган

болалар учун назарда тутилган барча имтиёзлар татбиқ этилади. (ЎзР ВМ 21.08.2007 й. 179-сон Қарори тахриридаги хат боши)

16. Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

17. Оилада ўз манфаатига дахлдор ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақлидир.

VII. ТУТИНГАН ОТА-ОНАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

18. Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эгадирлар, яъни ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузادилар. Улар ўз қарамоғидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

19. Болаларни тарбияга олган шахслар ўз ҳуқуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа ниятларда, тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек, уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзғатишга ҳақлидир.

20. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I.Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996, -380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996, -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996, -394 б.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997, -384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998, -429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999, -413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000, -525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001, -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002, -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003, -320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004, -400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т.: Ўзбекистон, 2005, -448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2006, -280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007, -318 б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 2007. -48 б.

17. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2007. -48 б.

II. Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат. 2007.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.–Т.: 2005.

4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 1998.

5.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 1-сонга илова.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси. Т.: Адолат. 1998.

7. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 82 модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №1, 1-модда.

9. ЎзССРнинг Фуқаролик Кодекси. Т.: Ўзбекистон. 1990.

10. ЎзССРнинг Никоҳ ва оила кодекси. -Т.: Ўзбекистон. 1990.

11.“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда.

12. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган. 1998 йил 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 йил, №2.

12. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990 йил, №31-33.

13. Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9.

14. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12.

15. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №1.

17. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни

18. Ўзбекистон Республикасининг Ижара тўғрисидаги қонуни

19. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни.

20. Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №9-10, 169-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги №745-сонли “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 3 китоб.-Т.: Адолат. 1995. -Б.34-45.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги №3619-сонли “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони./Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 167-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги №3780-сонли Фармони./Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 30-сон, 288-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 22 декабрдаги қарори./Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарорлари. -Т.: 2001.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар Мушиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши//Народное слово, 8 января 2008 г.

28. “Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 52-сон, 544-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 50-51-сон, 515-модда.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 48-49-сон, 485-модда.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 158-сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 31-32-сон, 318-модда.

32. “16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигидан 27.06.2007 й. 1695-сон билан рўйхатга олинган) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 25-26-сон, 277-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 4-6-сон, 44-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 53-сонли Давлат божи ставкалари тўғрисидаги қарори// Ўзбекистон Республикаси Хукумат қарорлар тўплами. 1994. 11-сон. 49-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом.

36. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Бола-лар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябр 23-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. 2-жилд. -Т.: Шарқ. 1999.

37. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқароларни муомалга лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиётини умумлаштириш яқунлари ҳақидаги Маълумотномадан. -Т.: 2004. 17 май.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Тўплами. 2002. №8.

39. Бюллетен Верховного Суда Российской Федерации.1998.№2.

40. Гражданский кодекс Российской Федерации.

41. Французский Гражданский кодекс. Юридическое издательство НКЮ СССР. -М.: 1941.

42. Германия Фуқаролик уложенияси. 1833.

43. Арманистон Гражданлик кодекси

44. Молдова Республикаси Гражданлик кодекси

45. Туркманистон Республикаси Гражданлик кодекси

III.Махсус адабиётлар:

1. Антокольская А. Семейное право. -М.: Юрист.1998;

2. Аюбов Т. Никоҳ, қонун ва ахлоқ. –Тошкент, Фан, 1979;

3. Восикова М ва бошқалар. Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. –Тошкент, Ўзбекистон, 1975;

4. Ганибоева Ш. Международно-правовая защита прав ребенка. –Ташкент, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2003.

5. Городецкая И.К. Международная защита прав и интересов детей. –М.: Меж. Отношения. 1973. -12 с.
6. Гражданское право. Учебник. В 3 т. Т. 1. –6-е изд. Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект. 2003. -99 с.
7. Гуев А.Н. Гражданское право. Учебник. В трех томах. Т. 1. –М.: Инфра-М. 2004. –40 с.
8. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. -Тошкент, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000. –296-297 б.
9. Ершова Н.М. Охрана прав несовершеннолетних по советскому гражданскому и семейному праву. –М.: Юр.лит. 1965.
10. Ёш ота-оналарга. –Тошкент, Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, 2007.-Б. 42
11. Каримов В.М. Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. -Тошкент, 2000. –118 б.
12. Ғозиев Э. Психология. -Тошкент, Ўқитувчи. 1994. –142-143 б. (223).
13. Мазурин А.В. Воронцов И.М. Пропедевтика детских болезней. –М.: Медицина 1986. –29 б.
14. Сотиболдиев А. Ё “бор!”, ё “йўқ!”.//Ирмоқ. №7. 2007. -26 б.
15. Гоноболик Ф.Н. Психология.. Н.Ф.Добринин таҳрири остида. -Тошкент, Меҳнат. 1976. –1272 с
16. Усманова А. Норбоев А. Юридическая психология. Учебник. –Ташкент, ТГЮИ, 2005. -84 с.
17. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. –8 с.
18. Преступность и правонарушения. Статистический сборник. –М.: 1995. –49 с.
19. Орлов В.С. Административная и уголовная ответственность несовершеннолетних. –М.: 1980. –29 с.
20. Баратов М.Х. Давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. -21 б.
21. Брастус. С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Юр издат. 1950. -6 с.
22. Якубов С.А. Субъекта советского гражданского процессуального права. -Тошкент, Фан. 1973. -59 с.
23. Гражданское и торговое право капиталистических государств. -М.: Международ. отношения. 1993. –62 б.

24. Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина –М.: Международные отношения. 1983. –77 б.
25. Алексеев С.С. Общая теория права. Т.2. –М.: 1982. С. 141.
26. Веберс Я.Р. Право-субъектность граждан в советском гражданском и семейном праве. –Рига.: 1976. С. 51.
27. Н.И. Матузов. Личность. Права. Демократия. С. 198
28. О.С. Иоффе. Гражданское право. 1967 С. 113.
29. Вагацума С. Гражданское право Японии. –М.: 1983. –47 б.
30. Грибанов В. П. Основные проблемы осуществления и защиты гражданских прав. Автореф. дисс, д-ра юрид. наук, -М.: 1970. С. 6.
31. Шахматов В.П. Составы против правовых сделок и обусловленные ими последствия. –Томск, 1967. С. 63-64.
32. Иоффе О.С. Советское гражданское право. Курс лекций. –Л.: ЛГУ. 1958. С 82.
33. Шамсиев Э.С. Искандаров А.И. Зуфаров Р.А. Талимбеков В.К. Суд тиббий фанлари. -Тошкент, ТДЮИ 2004. –254-255 б.
34. Французский Гражданский кодекс. –М.: изд-во. НКЮ СССР. 1941. -118 б.
35. Мухтасар . -Т.: Чўлпон. 1994.-335 б.
36. Серебровский В. И. Очерки советского наследственного права. –М.: 1953. С. 98—99.,
37. Комментарий части первой Гражданского кодекса Российской Федерации для предпринимателей. –М.: С. 60.,
38. Антимонов Б. С., Граве К. А. Советское наследственное право. -М.: 1955. С. 148—149.
39. Барщевский М. Ю. Наследственное право. -М.: 1996. С. 66.,
40. Мозжухина З. И. Наследование по завещанию в СССР. -М.: 1955. С. 24.
41. Филатов В.С. Психология характера в свете павловского учения, «Учения И.П.Павлова и философские вопросы психологии». –М.: АН СССР, 1952. -С. 429.
42. Богуславский М. Международное частное право.-М.: Юр.лит., 1994.
43. Шомухаммедова З.Ш. Рим хусусий хукуки. –Тошкент, Консаудитинформ. 2002. -63 б.
44. Гражданское право. В 2 т.Том 1.Учебник./Отв.ред. Е.А.Суханов.-М.:БЕК.

45. Одинаев А. Эмансипация: уни қўллаш масалалари. – Тошкент, ТДЮИ, 2006. -17 б.
46. Зокиров И.Б., Баратов М.Х. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. // Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қағазлари тупламида. – Т.: Ўзбекистон. 2000-115 б.
47. Советское трудовое право. – М.: Горюриздат. 1963. С. 172.
48. Советское семейное право. – М.: Юр.лит. 1982. -154 с.
49. Хутыз М.Х. Римское частное право. – М.: Былина. 1995. -68 б.
50. Белякова А.М., Ворожейкин Е.М. Советское семейное право. – М.: Юр.лит. 1974. 34 б.
51. Советское семейное право. Под ред. В.А. Рясенцева. – М.: Юр.лит. 1982.
52. Ершова Н.М. Опекa и попечительство, усыновление. – М.: Юр.лит. 1984. -10 б.
53. Нечаева А.М. Семейное право. – М.: Юрист. 1998. -61 б.
54. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2003.
55. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. (Иккинчи қисм). – Тошкент, Илм зиё. 2008. -807 б.,
56. Fuqarolik huquqi. Q.II./M.Abdusalomov, X.Azizov, V.Axmadjonov va boshq.: -Toshkent, Adolat, 2007. -768 б.
57. Генкин Д.М. Право собственности в СССР. М.: 1961. 126 б.
58. Эйдинова Э.Б. Наследование по закону и завещанию – М.: Юр.лит. 1985. -112 б.
59. Иоффе О.С. Советское гражданское право. – М.: Юрлит. 1967. –388-389 б.
60. Рабинович Н.В. Недействительность сделок и ее последствия. – Л.: изд-во. ЛГУ. 1960. 95 с.
61. Малеина М.Н. Защита личных неимущественных прав советских граждан. – М.: Знание 1991. –9-10 б.
62. Ярошенко Н.Б. Жизнь и здоровье под охраной закона. – М.: Юр.лит. 1990. 11 б.
63. Федорова М.Ю. Медицинское право. М.: Владос. 2003. 96 б. (320).
64. Рахмонкулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими -Тошкент, ТДЮИ 2005. 43-44 б.
65. Инсон ҳуқуқлари умумжашон декларациясига шарҳлар. – Тошкент, Адолат 1999. –21 б.

66. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. –М.: Юринформцентр. 1997. –20 б.
67. Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. - Тошкент, Адолат. 1996. –97-98 б.
68. Рязанцева Р. Болаликка тушмасин доғ. –Наманган.: Наманган нашриёти. 1998. –30 б.
69. Ризоуддин Ибн Фахриддиннинг "Оила" -Тошкент, Меҳнат. 1991.ю 12-13 б.
70. Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент, ТДЮИ 2004 –77 б.
71. Зокиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи 1-қисм. –Тошкент, Ўқитувчи, 1988. -18 б.
72. Иоффе О.С. Советское гражданское право. Курс лекции. – Ленинград, ЛГУ. 1958. –95 б.
73. Красавчиков О.А. Юридические факты в советском гражданском праве. –М.: 1958. 43-44 б.
74. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). Изд 2. –М.: Инфра-М. 2003. –95 б.
75. Усмонова М, Турсунов Й. Қарияларни ижтимоий-ҳуқуқий щимоялашнинг конституциявий кафолатлари.-Тошкент, ТДЮИ 2002. -23 б.
76. Алексеев С.В. Усенко В.Р. Гигиена труда. –М. Медицина 1988.
77. Борисов А.К. Законодательные акты зарубежных стран: Приложение к Резолюции. №39/248 Генеральной Ассамблеи ООН от 9 апреля 1985 года. П. 4. М.: 1998.
78. Граве К.А. Договор розничных купли продажа и охрана прав гражданина. «Учебные записки ВИОН», вып. 2. –М.: 1941. 174 б.
79. Блек Р. Крекман А.Тарасова Комментарий Федерального закона об акционерных обществах. -М.: Лабиринт. 1999. -178 б.
80. Зокиров И, Баратов М. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. –Тошкент, ТДЮИ, 2000.
81. Зокиров И, Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. –Тошкент, Адолат, 1998;
82. Зокиров И, Окюлов О, Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. –Тошкент, ТДЮИ, 2003;
83. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат. 2006,
84. Иномжонова Г. Ота-оналар ва болаларнинг оила ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. –Тошкент, Адолат, 2006.

85. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. – Тошкент, Адолат, 1999. -80 б.
86. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. –Ташкент, ТГЮИ, 2004, -47 с.
87. Кузнецова Л.Г. Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положения несовершеннолетних. –М.: Юр.Лит. 1968.
88. Малеин Н. С. Гражданский закон и права личности в СССР. –М.:, 1981. С. 81.
89. Мухамедов Р. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари. –Тошкент, Ўзбекистон, 1975;
90. Насриев И. Шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент, Ғофур Ғулом. 2006.
91. Нечаева А. Семейное право. Курс лекций. -М.: Юрист. 1998;
92. Нуриддинова Ш. Юридик шахсларни бекор бўлиш асослари. –Тошкент, ТДЮИ, 2007. -7 б.
93. Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. –Тошкент, ТДЮИ, 2005.
94. Пергамент А. Опекa и попечительства. -М.: Юр.лит.1966;
95. Песин Я. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистан. –Тошкент, Фан, 1971;
96. Пчелинцова Л. Семейное право. -М.: Норма-инфра.1999;
97. Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997;
98. Рясенцев В. Семейное право.-М.:1971;
99. Советское гражданское право. 2-е изд. Ч. 1. Отв.ред. В.Т.Смирнов, Ю.К.Толстой. –Л.: Ленинградское университет. 1982. - 73 с.
100. Советское гражданское право. Субъекты гражданского права / Под ред. С. Н. Братуся. –М.: Юр.лит. 1984. С. 16;
101. Советское гражданское право. Ч. 1. Отв.ред. В.А.Рясенцев. –М.: Юр.Лит. 1986. –71 с.,
102. Солихыжаев С.С. Гигиена. -Тошкент, Ибн-Сино. 1992. –311 б.(432)

103. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари. –Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2007. 57 б.
104. Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахснинг ҳуқуқий мақоми. –Тошкент, Ижод дунёси. 2003 -
105. Халфина Р.О. Общие учение о правоотношении. –М.: Юр.лит. 1974, -189 с.
106. Шамсиев С.Ш., Шабалов Н.П., Эрман Л.В. Руководство для участкового педиатра. -Тошкент, Медицина. 1982. –624 б
107. Шораҳметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат, 2001;
108. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент, ТДЮИ, 2004. -84 б.,
109. Kolosov Y. The CRC: Juridical significance and the Committee on the Rights of the Child: Stock taking and new challenges// Understanding Children s Rights Center, University of Gent. Belgium, 1998. p. 399.

III. Илмий мақолалар.

1. Степанова А. Практика применения основ гражданского законодательства по вопросам наследования.//Советская юстиция. 1963. №11. –11 б.
2. Зокиров И, Баратов М. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари// Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари тўпламида. –Тошкент, Ўзбекистон, 2000;
3. Левушкин А.Н. Правовое регулирование некоторых имущественных прав несовершеннолетних детей по законодательству Российской Федерации. //Юрист. –Москва. 2000. №10. –С. 13-14.
4. Морозова Л.А. Гражданское право. Гражданское правоотношения //Основы государства и право. 2000. №5. –С. 10.
5. Ганибоева Ш. Международный механизм контроля реализации конвенции о правах ребенка. // Давлат ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2002. №2.- Б.31.
6. Чепига Т. Д. К вопросу о праве завещать // Вестник МГУ. Серия «Право». 1965. № 2. С. 48.,
7. Юлдашева Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари.// Ёш олимлар тўплами. №1. –Тошкент, ТДЮИ. 2002. -54-59 б.
8. Ж.Шаропов. Фаоллик мезони етук оилада ҳуқуқий маданият. //Ҳаёт ва қонун. 2003. №5.

9. Дзугаев А.З. Правовые аспекты усыновления детей – граждан Российской Федерации иностранными гражданами. // Юридический консультант.-Москва. 2001. №1. –С. 15.
10. Бекмуротов Т. Хакимов М. Оила мулкининг ҳуқуқий табиати. //Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2001.№6.-Б. 46.
11. Иномжона Г Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш.// Давлат ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2001. №3 –15 б.
12. Беспалов Ю. Определение места жительства ребенка.// Российская юстиция. 2002. №2. –28 б.
13. Трудные дети у трудных родителей. //Труд. 14.05.05 йил сони
14. Агарков М.М. Понятие сделки по советскому гражданскому праву. //Советское государство и право. –Москва, 1946 №4 -С. 12.
15. Орлов А.В. Права и льготы молодых работников // Юристь –Москва, 2000. №5. –20 б.
16. Раев В. Пределы прав несовершеннолетних эмансипированных граждан. // Российская юстиция. 1998. №8. –51 б.
17. Фаршитов И. Охрана жилищных прав несовершеннолетних. //Российская юстиция. 1999. №8 –15-17 б.
18. Бескалов Ю. Определение места жительства ребенка. //Российская юстиция. №2.-2000.-28-29 б.
19. Юнусов Б Ишонча асосланган бошқариш ёхуд мол-мулкни бошқаришга доир муаммолар.//Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2002. №5. -78 б.
20. Агарков М.М. Обязательства из причинения вреда.// Проблемы социалистической права. 1939. №3 –61 б.
21. Тадевосян В.С. Ответственность родителей за вред, причинений детьми// Советское государство и право. 1949 №4 –18 б.
22. Хисматуллин Р. Семейные суды по делам несовершеннолетних. // Российская юстиция 2000. №3. –37 б.
23. <http://www.tax.gov.tm>
24. <http://grants.rinti.ru>
25. <http://consum.Narod.ru/#chapter1>
26. www.dhm.de/lemo/html/emansipasio/index.html.
27. General Assambly resolution 44/25.
28. Молодежь в меняющемся обществе / проект MONEE /ЦБЕ /СНГ /Балтия. Региональный мониторинговый доклад. №7. Unicef 2000 С. 140-143

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1. Вояга етмаганлар тушунчаси ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий субъектчилиги: биологик-жисмоний, юридик психологик мезонлар	6
2. Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати.....	21
3. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда вояга етмаганлар иштироки	50
Иловалар.....	66

АШУРОВА НАРГИЗА АЪЗАМОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚ ВА
МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИНГ ФУҚАРОЛИК-
ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Мухаррир: *М.Баратов.*

Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда саҳифаловчи: *А.Худайбергенова.*

Босишга рухсат этилди:

Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.